

**Мирзаева Мухаббат Шержановна
Ахунджанова Сайёра Руфатовна**

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ЭКОЛОГИЯ

ФАНИДАН

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент 2011

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА КИМЁ” КАФЕДРАСИ

**Мирзаева Муhabбат Шержановна
Ахунджанова Сайёра Руфатовна**

ЭКОЛОГИЯ

ФАНИДАН

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2011

«Экология» фани бўйича ўқув-услугий мажмуа. – Тошкент, 2011. – 154 бет.

Ушбу ўқув-услугий мажмуа “Экология” фани асосида яратилган бўлиб, унда маърузаларни ўрганиш ҳамда лаборатория машғулотларни ташкил қилиш бўйича барча таълим йўналишлари учун ўқув дастури, таълим технологиялари, кўргазмали слайдлар, савол-жавоблар, тест саволлари, жорий, оралиқ ва якуний назорат топшириқлари жамланган.

Мазкур ўқув-услугий мажмуа барча таълим йўналишларида тахсил олаётган талабалар учун тавсия этилади. Шу билан бирга ўқув-услугий мажмуадан ўқитувчилар, илмий ходимлар, аспирант ва тадқиқотчилар, малака ошириш факультетларида ўз малакаларини ошираётган профессор-ўқитувчилар ҳамда экология соҳасига қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Тузувчилар: доцент Мирзаева М.Ш.
ассистент Ахунджанова С.Р.

Тақризчилар: проф. Самигов Н.А.
доц. Азимов Х.А.

	МУНДАРИЖА		
	КИРИШ		5
1.	“Экология” фанининг ўқув дастури		6
2.	“Экология” фани бўйича ишчи ўқув дастур		15
3.	“Экология” фани бўйича баҳолаш мезони		24
4.	Календар режа		28
5.	Маъруза ва амалий машғулотларнинг технологик модел ва хариталари		34
6.	1- маъруза	КИРИШ Экология асослари , экология фанининг мазмуни ва вазифалари	35
7.	1- лаборатория машғулоти	Оқава сувларда йирик эримаган заррачалар миқдорини аниқлаш	42
8.	2- маъруза	Антропоген омиллар	45
9.	2- лаборатория машғулоти	Оқава сувларнинг лойқаланганлик даражасини аниқлаш	50
10.	3- маъруза	Атроф мухитни муҳофаза қилишнинг ҳукукий ва ташкилий асослари	54
11.	3- лаборатория машғулоти	Тиндиргичларнинг технологик ва ҳисоб параметрларини аниқлаш	60
12.	4- маъруза	Атмосфера ва унинг аҳамияти	66
13.	4- лаборатория машғулоти	Оқава сувларни тозалашда коагулянт (флокулянт) миқдори ва оқаванинг оптимал кўрсаткичларини аниқлаш	72
14.	5- маъруза	Сув - ҳаёт манбаи	76
16.	6- маъруза	Тупроқ ва унинг биосферадаги аҳамияти	81
18.	7- маъруза	Демографик сиғим	87
20.	8- маъруза	Чиқиндиларни қайта ишлаш	94
21	9- маъруза	Архитектура қурилиш экологияси	103
22		Оралик назорат топшириқлари	111
23		I-оралик назорат	111
24		II-оралик назорат	111
25		Якуний назорат саволлари	151

КИРИШ

Экология фани атроф муҳитни, жамият ўртасидаги диалектик ўзаро алоқани тушунишни, экологик муаммоларнинг сабаблари ва уларни бартараф этиш йўлларини билишни, ҳозирги экологик вазиятни, уни ривожлантириш йўналишлари ва муаммоларнинг асосий қирралари ҳақида тасаввурга эга бўлишимизга ёрдам беради.

Экология фанининг мақсади - талабаларда табиатдан оқилона фойдаланиш ва табиат муҳитини сақлашнинг илмий асослари ва амалий методларини аниқлашни билишдан иборат.

Экология фанининг вазифаси эса атроф муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши ҳақидаги умумий мулоҳазалардан атроф муҳитни муайян ихтисослик соҳасидаги ишлаб чиқариш фаолиятининг нохуш оқибатларидан муҳофаза эта олувчи устивор тадбирларга эга бўлишдан иборат:

- 1) тоза муҳитда ҳозирги ва келажак авлодлар соғлиғини таъминлаш;
- 2) табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш билан бир қаторда чиқиндисиз технологияларни ишлаб чиқариш;
- 3) сунъий экосистемаларнинг (қишлоқ хўжалиги доимий ва юқори ҳосилдорлигини таъминлаш;)
- 4) аҳолининг турли табақларига экологик таълим ва тарбия бериш йўли билан табиат муҳофазасини амалга ошириш;

Ҳозирги кунда хўжаликнинг турли тармоқларида “саноат экологияси”, “кимё экологияси”, “биокимёвий экология”, “қишлоқ хўжалик экологияси”, “ҳарбий экология”, “психо экология”, “ижтимоий экология”, “одам экологияси” каби йўналишлар ривожланмоқда.

Ушбу мажмуада экология тарихи, вазифалари, иқлим омиллари ва уларнинг тирик организмларнинг ўсиши, кўпайиши ҳамда тарқалишига таъсири, турларининг турли биоэкологик бирликларини ҳосил қилиш қонунлари, замонавий экологик муаммолар ва уларни ечишга оид чора-тадбирлар назарий асосланган ва етарли маълумотлар орқали баён этилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Руйхатга олинди

№ БД-5850200-3.2.01


"23" август 2008 йил

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирининг 2008 йил "23"
август даги "263"-сонли
буйруғи билан тасдиқланган

ЭКОЛОГИЯ
фанининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Нозкологик таълим йўналишлари учун



Тошкент -- 2008

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2008 йил “28” август даги “4”-сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Рахимова Т.У. биология фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

Бердикулов Х.О. ЎзР ФА “Ботаника” ИИЧМ сув ўтлар фотобиотехнологияси ва биокимёси лабораторияси мудири, биология фанлари доктори

Турсунов Х.Х. Мирзо Улуғбек номидаги биология-тупроқшунослик факультети, тупроқшунослик кафедраси профессори

Фаннинг ўқув дастури М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг Илмий-методик кенгашида тавсия қилинган (2008 йил “27” июн даги “9”-сонли баённома).

КИРИШ

Ушбу дастур Умумий экология фани предмети, мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги, экология муаммоларни ечишдаги ўрнини камраб олган. Унда организмлар ва муҳит орасидаги боғланишлар, популяция, жамоа, экосистемалар, энг катта экосистема-биосфера тўғрисида маълумотлар берилган.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Экология курсини ўқитишдан мақсад, ташқи, муҳит омилларнинг тирик организмларга таъсири, жамоада организмларнинг ва уларнинг ташқи муҳит билан ўзаро мунасаботларнинг умумий қонуниятлари тўғрисида, организмларнинг сони, жамоалар тузилиши ва динамикаси, экосистемалар ҳаётини белгиловчи қонуниятлар ва принциплари тўғрисида билим беришдир.

Экология табиат ва жамият бир бутунлиги, биосферага антропоген омилларнинг салбий таъсири, табиатни муҳофаза қилиш масалалари тўғрисида тушунчалар берилади. Экологик ҳавфни олдиндан аниқлаш ва унинг олдини олиш. Ер, Сув, ҳаво тозалигини асраш, ўсимлик ва ҳайвонларнинг йўқолиб кетишига йўл қўймаслик, барқарор тараққиётга эришиш асоси эканлиги тўғрисида ҳозирги замон билимларини беради.

Экология фанининг асосий бўлимлари ҳисобланган факторлар экологияси, популяциялари таълимоти, жамоалар (биоценозлар), биосфера тўғрисидаги таълимотлар, биологик ритмлар, табиатни муҳофаза қилишнинг асосий қонуниятларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш етук эколог мутахассис бўлиш жараёнидаги муҳим вазифалардандир. Бу фаннинг ҳозирги вақтдаги вазифаси қийинлашиб бораётган муҳитда тирикликнинг яшашига ёрдам беришдир.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Умумий экология” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

-экология фанининг асосларини популяция, экосистема, биосферани мукаммал билиши керак;

-экосистемалар компонентларининг абиотик ва биотик омиллар билан боғлиқлиги, ундаги озуқа занжири ва трофик алоқаларни;

- экосистемалар чидамлилиги ва ўзини қайти тиклаш хусусияти;

-биосфера эволюцияси ва биосферада модда алмашинуви;

-флора ва фауна турлар таркибини ўзгариши, экосистема барқарорлигини таъминловчи еханизмлар;

-экосистемадаги жараёнларни бошқариш имкониятларини;

-табиатдан фойдаланишнинг экологк принциплари;

-ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш, табиат муҳофазаси бўйича тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлишлари керак.

-талаалар ўсимликларни ўстиришда тажрибалар қўйиши керак., турли экологик муҳитда уларни ўстириб, оптимал ривожланиш регионини топиши ва турларни районлаштириш учун илмий асосни ишлаб чиқишни қўллаш малакасига эга бўлишлари керак.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Эколог мутахассисларни тайёрлашда умумий экология фани ихтисослик фани ҳисобланиб, 3-4 семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган Экология концепцияси, цитология, индивидуал ривожланиш ва эволюцион таълимот, математика, кимё, ва бошқа фанларидан етали билим ва кўникмаларга эга бўлишлиги талаб этилади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Республикамизнинг иқтисодий тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги соҳасидир. Экинларни ўстириш, ҳайвонларни кўпайтириш асосини экологик муҳит таъсирида оптимизация қилиш мумкин. Юқори ҳосилдорликни илмий асослашда экология фани муҳим роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалиги экинлардан кўп мҳсулот олиш учун улни экологиясини билиш заур масала ҳисобланади. Шу сабабли умумий экология фани ҳисобланиб, ишлаб чиқариш технологик тизимининг ажралмас қисмини ташкил қилади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг Умумий экология фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, электрон дарсликлар вертуал стендлар ва бошқа материаллардан фойдаланилади. Фаннинг ўқитиш турлари дастурда кўрсатилган мавзулар маъруза, амалий машғулотлар шаклида олиб борилади. Шунингдек атрофлича билим олишни таъминлаш мақсадида талабаларга мустақил иш мавзулари ҳам берилади. Фанни замонавий педагогик услублар – “Кластер”, “Бумеранг”, “Дебашлар” тарзида ўтиш ҳам кўзда тутилгандир. Маълумотлар кўргазмали ўқув куроллари, кодоскоп, мультимедиа, рефрактометр, микроскоп, тотал ва кесмали препаратлар ёрдамида олиб борилади. Маъруза, амалий ва лаборатория дарсларида мос равишдаги илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

(маърузалар)

Кириш

Факторлар экологияси

Организмларнинг физик-кимёвий яшаш муҳити тўғрисида: сув, тупроқ, ҳаво муҳитининг хусусиятлари. Абиотик ва биотик омиллар. Асосий абиотик омилларнинг (иссиқлик, ёруғлик, намлик, шўрланиш, биоген элементлар концентрацияси кабиларнинг) экологик аҳамияти.

Абиотик омилларнинг хабар бериш аъамияти. Кунлик ва мавсумий цикллар.

Чекловчи омиллар. Либих қондаси. Толерантлик. Экологик омилларнинг ўзаро таъсири. Хар хил турларнинг толерантлик чегараси. Эврибионт ва стенобионт турлари. Турларнинг экологик индивидуаллиги. Айрим турларнинг градиент шароит бўйича тарқалиши. Экологик ниша ҳақида тушунча; потенциал ва реал нишалар. Организмларнинг индикацион аҳамияти.

Популяция ҳақида таълимот

Экология ва генетикада «популяция» тушунчасининг аниқламаси. Популяциянинг иерархия тузилиши; организмларнинг жойлашиши ва популяциялар орасидаги боғланишлар. Популяция-турнинг система ва экосистема элементи сифатида.

Популяциянинг статистик характеристикаси; сони, зичлиги, ёши, жинсий таркиби, Популяциянинг генетик полиморфизми. Биомасса, унинг нам ва куруқ оғирлиги, энергетик эквивалент, популяциянинг зичлиги ва сонини баҳолаш усуллари.

Турларнинг маконда жойлашиш характери. Тасодифий, тартибли ва доғли жойлашиш. Ҳайвоннинг тўпланиш сабаблари.

Популяциянинг динамик характеристикаси: туғилиш, ўлиш, популяциянинг ўсиш тезлиги. Яшовчанлик жадвали ва эгри чизиклари. Турли хил ҳайвон ва ўсимликларда ўлимнинг ёш бўйича тарқалиш характери. Популяция ўсишининг ўзига хос тезлиги.

Биомасса динамикаси. Популяция махсулдорлиги ҳақида тушунча. Табиатда популяция сонининг бошқарилиши. абиотик ва биотик (популяция ичида ва биоценотик) факторлар роли. Сонларнинг циклик тебраниши. Популяциялардан оптимал фойдаланиш.

Жамоалар ҳақида таълимот

Биоценозлар (жамоа), уларнинг таксономик ва функционал таркиби. Жамоанинг функционал тузилиш структураси. Организмлар орасидаги муносабат типлари; симбиоз, мутализм, конкуренция, биотрофия (йиртқичлик кенг маънода ишлатилади)

Турлар орасидаги рақобатлик принциплари, рақобатлашувчи турларнинг яшаш шароити.

Табиатда рақобатлик ва турларнинг тарқалиши,

«Йирткич-ов» муносабатлари. Йирткичларнинг ов сонининг ортиб боришига жавобан кўрсатадиган сон ва функционал реакциялари. Йирткич ва овларнинг лаборатория ва табиий шароитда яшаши. Йирткич - ов эволюцияси.

Жамоанинг тур таркиби ва уни очиб бериш усуллари. Жамоа тузилиш механизмлари; йирткичлик ва рақобатлик роли. Турларнинг хилма - хиллиги жамоанинг специфик характеристикаси сифатида. Жамоанинг вақтдаги динамикаси. Сукцессия. Серияли ва климаксли жамоалар.

Биогеоценология (экосистема ҳақидаги таълимот)

«Биогеценоз» (В.Н.Сукачев) ва «экосистема» (А.Тенсли) каби тушунчалар нисбати.

Биогеоценозни ташкил қилувчи табиий қисмлар ҳамда уларнинг яшабини ташкил қилувчи асосий омиллари.

Экосистемада модда ва энергиядан фойдаланишнинг асосий босқичлари. Трофик босқичлар. Бирламчи маҳсулот - автотроф организмлар маҳсулотидир.

Фото ва хемосинтезнинг аҳамияти. Бирламчи маҳсулотни баҳолашнинг асосий қонунлари (усуллари). Экосистемада органик моддаларнинг деструктураси. Биотроф ва сапротрофлар. Озиқ занжири «Ёйилиш» (яйловда) ва озиқ занжири «парчаланиш» (детретли). Бир трофик босқичдан иккинчисига ўтишида энергиянинг сарфланиши «маҳсулот»; пирамидаси ва биомасса пирамидасининг экологик эффективлиги. Микро ва макроредуцентлар (консументлар).

Қуруқлик экосистемасининг иқлим зоналлиги ва асосий типлари. Тундра, ботқоклик, тайга, аралаш ва баргли ўрмонлар, сахро, тропик, нам ўрмонлар, чўллар. Ўрта Осиё қуруқлик экосистемаларининг асосий типлари. Турли хил қуруқлик экосистемаларининг бирламчи маҳсулотлари. Фитоценозларнинг таркиби ва тузилиши, қаватлилик, мозаиклик. қуруқлик экосистемалари таркибий қисмларининг ўзаро алоқаси. Концорация. Микориза. Қуруқлик экосистемаларида турли хил гуруҳлар - бактерия, замбруғ, ҳайвонларнинг роли, қуруқлик экосистемасининг сукцессия хусусиятлари.

Сув экосистемалари ва уларнинг асосий хусусиятлари. Сув экосистемаларининг қуруқлик экосистемаларидан фарқи. Планктон, бентос, нектон. Сув муҳитидаги продуцентларнинг асосий гуруҳлари. Фитопланктон, макрофитлар, перифитон, органик моддаларнинг минералланиш жараёнларида зоопланктон ва бактерияларнинг роли. Детрит. Сув экосистемаларининг вертикал тузилиши. Континентал сув ҳавзалари; кўллар, сув омборлари. Олиготроф ва эвтроф сув ҳавзалари. Океанларнинг биологик тузилиши. Сувнинг кўтарилиш зоналари. Дунё океанларининг турли қисмларида бирламчи маҳсулот ҳосил бўлиш интенсивлиги.

Биосфера ҳақида маълумот

Биосфера ҳақида тушунча. Биосфера ҳақида ҳозирги замон илмий қарашларнинг шаклланишида В.И.Вернадскийнинг роли.

Тирик ва биокос моддалар. Биосферанинг энергетик баланси. Биосферада муҳим кимёвий элементларнинг айланиши. Куруклик ва океанларнинг бирламчи маҳсулотлари. Турли гуруҳ организмларнинг биокимёвий вазифаси. Ернинг потенциал биологик ҳосилдорлиги. Асосий биоген элементларнинг табиий циклига антропоген таъсири.

Биосфера энергия балансининг инсон фаолиятига боғлиқ ҳолда ўзгариши. Биосферанинг глобал моделини шакллантиришга қаратилган замонавий тажрибалар.

Амалий экология. Табиатни муҳофаза қилишнинг экологик принциплари

Инсоннинг табиатга онгли ва онгсиз, бевосита ва билвосита ҳолда кўрсатадиган таъсири. Инсоннинг турли тарихий даврларда кўрсатиб келган таъсири.

Аҳолининг ўсиши, ҳозирги замон илмий техника жараёни. Биосферани кўриқлаш - инсониятнинг ҳозирги даврдаги муҳим масалаларидан бири. Табиий ресурслар классификацияси; тугаётган ва тугамайдиган ресурслардан фойдаланиш ва уларни ҳимоя қилиш. Инсониятнинг озик ресурслари. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш муаммолари. Агроэкосистемалар, уларнинг асосий хусусиятлари.

Пахта якка ҳокимлиги ва унинг оқибатлари. Атмосфера ҳавосининг тозаллиги, сув ресурслари, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш.

Биосферанинг глобал ифлосланиши, унинг оқибатлари ва улар билан курашиш йўллари. Биосферанинг қишлоқ хўжалиги томонидан ифлосланиш шакллари ва улар билан курашиш йўллари. Атроф муҳитга саноат ва транспортнинг таъсири. Биосферанинг токсик ва радиоктив моддалар билан ифлосланиши. Урбанизация ва унинг биосферага таъсири. Шаҳарнинг инсон ва ҳайвон яшаши учун янги муҳит эканлиги ҳақида. Урбанизация муаммоларини ҳал қилиш йўллари. Хўжалик фаолияти натижасида яроқсиз бўлиб қолган ерларни рекултивация қилиш ва табиатни муҳофаза қилиш. Сайёрамиз аҳолисининг генофондини сақлаб қолиш масалалари. Инсон фаолияти натажасида, тур ва популяция таркибидаги ҳайвон ва ўсимликларнинг ўзгариши. Қизил китоб.

Биологик хилма-хиллик, экосистемаларни асрашнинг биосферадаги экологик мувозанатни сақлашдаги аҳамияти. Сувлар, ҳаво, тупроқни муҳофаза қилиш. кўриқхоналар ва бошқа муҳофаза қилинувчи майдонлар. Биосферага инсон хўжалик фаолиятининг таъсир қилишини олдиндан аниқлаш.

Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил қилиш, республика қонунчилигида табиатни муҳофаза қилишга қаратилган ишлар. Табиат ва жамиятни муҳофаза қилиш, барқарор ривожланиш концепцияси.

Табиатни муҳофаза қилишда халқаро ҳамкорлик. «Инсон ва биосфера» дастури. Табиатни муҳофаза қилишнинг ўқув ва тарбиявий аҳамияти. Экологик маданият ва табиат муҳофазаси.

Курс ишининг мавзулари

Талабалар томонидан курс ишининг бажарилиши профессионал тайёргарликни муҳим босқичи ҳисобланади, чунки уларда мустақил ижодий ишлашни шаклланишига, илмий тадқиқот элементларини англашга, илмий адабиётларни ўқиш ва таҳлил қилишга ёрдам беради.

Талаба курс иши тизимини бажариш жараёнида ундан ҳам мураккаброк бўлган вазифани - малакавий битирув ишини бажариш учун, назарияларни англаш, уларни умумлаштириш ва амалиётда қўллаб мустақил илмий тадқиқот фаолиятини бошлашга тайёргарлик кўради. Курс ишини тайёрлаш талабада ахборотларни аналитик фикрлашни ривожланишига ва натижада тайёр мутахассис бўлиб етишишига олиб келиши керак.

Курс иши талабадан фаннинг турли соҳалари бўйича амалиётда олган билимларини мустахкамлашни, янада чуқурлаштиришни ва умумлаштиришни талаб қилади. Ҳар бир танланган курс иши мавзуси илмийликни, замонавийликни талаб қилади, чунки ҳар бир топқирликда янгилик элементлари бўлиши лозим. Курс ишини фойдасини энг муҳим омиллари унинг индивидуаллиги ва талабанинг қизиқиши ва қобилиятига қараб умумий талабларни пасайтирмаган ҳолатда берилишига ҳисобланади. Талабларга таклиф этилган курс ишларининг мавзулари:

1. Биосфера ва инсон.
2. Глобал экологик муаммолар.
3. Барқарор ривожланиш.
4. Табиий ресурслар таснифи.
5. Ўзбекистондаги экологик муаммолар.
6. Урбанизация ва атроф-муҳит.
7. Экология ва халқаро ҳамкорлик.
8. Атмосферани ифлосланиш муаммолари.
9. Орол денгизи муаммолари.
10. Экологик таълим тарбия.
11. Ўзбекистонда атмосфера ҳавосининг ифлосланиш муаммолари.
12. Ўсимликларни муҳофаза қилиш.
13. Ҳайвонларни муҳофаза қилиш.
14. Табиат ва инсон.
15. Табиий ресурслар ва улардан оқилона фойдаланиш.
16. Транспорт ва атроф-муҳит.
17. Атмосферани ифлосланишининг олдини олиш тадбирлари.
18. Иқлим ўзгариши муаммолари.
19. Сувларни тозалаш методлари.
20. Тупрофларни муҳофаза қилиш муаммолари.
21. Қизил китоб ва унинг аҳамияти.
22. Ўзбекистоннинг кўрикхоналари.

- 23.Экология ва қонун.
- 24.Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар.
- 25.Чикиндилар муаммоси.

Мустақил таълимга оид топшири ва тавсиялар

Мустақил ишлаш учун талабаларга Умумий экологиясига оид маълумотлар мавжуд бўлган турли адабиётлар тавсия этилади. Бундан ташқари зарур ҳолларда лабораториялардаги мавжуд асбоб ва ускуналар ҳам уларни яхши билувчи мутахассис ёки ўқитувчи иштирокида талабалар ихтиёрига берилади. Мустақил ишлаш учун бериладиган мавзулар ва ишлар индивидуал характерда бўлиб, талабаларнинг талабаларнинг экологик муҳитни организмларга таъсирини, популяциялар, жамоалар, экосистемалар ва биосферада ўсимликлар ва ҳайвонларни янада чуқурроқ ўрганишга қаратилган, Тавсиялар индивидуал талабга асосланади ва жорий, оралик назорат шаклида ёки реферат ҳамда мулоқат шаклида топширилади.

1.Атмосферани ифлосланишини келтириб чиқарувчи асосий манбалар. Аэрозоль ифлосланиш, ҳавони муҳофаза қилиш, атмосфера ифлослангандаги рухсат этилган миқдори.

2.Гидросферани ифлослантирувчи манбалар, табиий сувларнинг кимиёвий ифлосланиши.

3.Тупроқларни пестицидлар билан ифлосланиши. Уларни олдини олиш чоралари.

4.Пестицидларни қўллаш натижасидан келиб чиқадиган оқибатлар.

5.Муҳитдаги радиактив ифлосланишни келтириб чиқарувчи омиллар.

6.Термояраёнлар натижасида атроф муҳитнинг ифлосланиши, уларнинг манбаларини аниқлашни ўрганиш.

7.Коцероген омилларнинг ташқи муҳитга таъсири.

8.Электромагнит нурланишнинг таъсири.

9.Урушлар оқибатида биосфера компонентларининг ифлосланишини ўрганиш.

10.Орол денгизи қуриши оқибатида келиб чиқаётган ижтимоий - экологик муаммолар.

11.Табиат хилма-хиллигини асраш масалалари.

12.Ўзбекистон Қизил китоблари.

13.Экологик ҳавсизликни таъминлаш масалалари.

14.Ўзбекистон атроф-муҳит ҳолатини бошқариш муаммолари.

15.Экологик мониторинг.

16.Экологик экспертиза.

17.Қишлоқ хўжалиги ва атроф муҳит.

18.Экологик таълим ва тарбия.

19.Экология ва ахлоқ.

20.Барқарор бошқариш учун таълим.

ФАН ИШЧИ ДАСТУРИ

“Тасдиқлайман”

Ўқув ишлари бўйича проректор
проф.А.А.Тўлаганов
“ ” 2011 йил

“ЭКОЛОГИЯ” фани бўйича

- 5580400 – «Мухандислик коммуникациялари қурилиши»
5140900 – Мухандислик тармоклари қурилиши (касбий таълим)
5580300 - Шаҳар қурилиш ва хўжалиги.
5140900- Шаҳар қурилиш ва хўжалиги (касбий таълим)
5580500 - Қурилиш ашёлари ва буюмларини ишлаб чиқариш
5140900 – Қурилиш ашёлари ва буюмларини ишлаб чиқариш (касбий таълим)
5580200 – Бинолар ва иншоотлар қурилиши
5140900 – Бино иншоотлари қурилиши (касбий таълим)
5580700 – Гидротехника қурилиши
5810900 «Сервис» (уй-жой ва каммунал маиший хизматлар) таълим соҳаси, йўналиши учун

йўналишлари учун

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Умумий ўқув соати	67
Шу жумладан:	36
Маъруза	18
Амалий машғулотлари	9
Лаборатория машғулотлари	9
Мустақил таълим соати	31

Фаннинг ишчи ўқув дастури Тошкент архитектура-қурилиш институти Илмий-услубий Кенгашининг 2011 “____” _____ - сон мажлисида муҳокама этилди ва маъқулланди.

Тузувчи:

Мирзаева М.Ш. – “Қурилиш материаллари ва кимё” кафедраси доценти, к.ф.н.

Фаннинг ишчи ўқув дастури Инженер сервис факультети

Илмий кенгашининг 2011 йил «____» _____ -сон қарори билан тасдиқланди

Илмий кенгаш раиси:

2011 йил «____» _____ доц.Тошпулатов С.А

Келишилди:

Кафедра мудири:

2011 йил «____» _____
_____ доц. Махкамов С.М.

КИРИШ

Ушбу дастур олий ўқув юртларининг қурилиш йўналишларида тахсил олаётган талабаларда: атроф муҳитни, жамият ўртасидаги диалектик ўзаро алоқани тушуниш, экологик муаммоларнинг сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари билиши, ҳозирги экологик вазият, уни ривожлантириш йўналишлари ва муаммоларнинг асосий қирралари ҳақида тасаввурга эга бўлиш.

Фанни ўқитишдан мақсад - талабаларда табиатдан оқилона фойдаланиш ва табиат муҳитини сақлашнинг илмий асослари ва амалий методларини аниқлашни билиш;

Фаннинг вазифаси - атроф муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши ҳақидаги умумий мулоҳазалардан атроф муҳитни муайян ихтисослик соҳасидаги ишлаб чиқариш фаолиятининг ноҳуш оқибатларидан муҳофаза эта олувчи устивор тадбирларга эга бўлиш:

- 5) тоза муҳитда ҳозирги ва келажак авлодлар соғлиғини таъминлаш;
- 6) табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш билан бир қаторда чиқиндисиз технологияларни ишлаб чиқариш;
- 7) сунъий экосистемаларнинг (қишлоқ хўжалиги доимий ва юқори ҳосилдорлигини таъминлаш;)
- 8) аҳолининг турли табақларига экологик таълим ва тарбия бериш йўли билан табиат муҳофазасини амалга ошириш;

Ҳозирги кунда хўжаликнинг турли тармоқларида “саноат экологияси”, “кимё экологияси”, “биокимёвий экология”, “қишлоқ хўжалик экологияси”, “ҳарбий экология”, “психо экология”, “ижтимоий экология”, “одам экологияси” каби йўналишлар ривожланмоқда.

Дастурда экология тарихи, вазифалари, иқлим омиллари ва уларнинг тирик организмларнинг ўсиши, кўпайиши ҳамда тарқалишига таъсири, турларининг турли биоэкологик бирликларини ҳосил қилиш қонунлари, замонавий экологик муаммолар ва уларни ечишга оид чора-тадбирлар назарий асосланган ва етарли маълумотлар орқали баён этилган.

МАЪРУЗАЛАР

Мавзулар тартиби	МАЪРУЗАНИНГ НОМИ ВА ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ	Дарс соатлар и ҳажми
1.	Табиий атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг илмий асослари. Экология асослари. В.И. Вернадский биосфера ҳақидаги таълимоти. Экологик омиллар. Тизимлар ва қонунлар, унга техника ривожланишининг таъсири, биогеоценозлар, агроценоз ҳақида тушунча	2

2.	Табиатда антропоген омиллари. Антропоген омил-ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучи. Табиатда содир бўладиган барча антропоген ўзгаришларнинг турлари ва йўналишлари. Антропоген таъсирини минимал даражага олиб келиш ва ёмон оқибатларга олиб келиш мумкин бўлган таъсирларни йўқотиш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар	2
3.	Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари. Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш жамият ривожининг асосий шарти. Табиий ресурсларнинг турлари ва классификацияси, табиатдан самарали фойдаланишнинг асослари, биосфера ресурсларининг баҳолаш принциплари. Атроф мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш бўйича давлат бошқаруви. Атроф мухит мониторинги ва унинг вазифалари.	2
4.	Биосферани зарарли саноат чиқиндилари билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш. Атмосферани муҳофаза қилиш. Атмосфера хавосининг моҳияти, тузилиши, хоссалари, ифлосланиш ва ифлослантирувчи моддалар. Газларнинг бу жараёнини бузилишига ва салбий оқибатларига олиб келиши. Чиқиндилар миқдорини чегаралаш РЭМЧ, РЭМКЧ меъёрларини белгилаш. Кислотали ёмғирлар ва уларнинг металл конструкцияга таъсири. Кислотали ёмғирларни асосий компонентлари. Асосий ифлослантирувчи моддаларни таъсир қилиш механизми. Коррозия механизми, унинг металлоконструкцияга таъсири, химоя қилиш усуллари.	2
5.	Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва самарали фойдаланиш. Тоза ичимлик суви билан боғлиқ бўлган муаммолар. Сув манбаъларининг ифлосланиши ва сифатини ёмонлашиш сабаблари ва унинг салбий оқибатлари. Чиқинди оқава сувлар, уларнинг турлари ва хусусиятлари. Ички сув омборлари ва ер ости сувларини ифлосланишидан муҳофаза қилиш.	2
6.	Тупроқларни муҳофаза қилиш ва унинг ифлосланиши. Тупроқларни емирилиши. Емирилиш турлари (эрозия). Сув эрозияси, шамол эрозияси, антропоген эрозияси. Эрозияни олдини олиш усуллари.	2
7.	Чиқитсиз технология ва чиқитсиз ишлаб чиқариш атроф мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, муаммоларни ечиш, муҳим омиллари. Иккиламчи хом – ашё ресурслари ва улардан фойдаланиш, минерал хом – ашёларни комплекс қайта ишлаш, чиқиндисиз ва кам чиқиндили корхона ташкил қилиш асосидир.	2
8.	Демография ва экология. Демографик сиғим. Демографик сиғимнинг асосий зарур бўлган талаблар. Демографик сиғимнинг ҳисоблашда асосан аҳолини майдонга, ичимлик сувга, ерга бўлган талаблари аниқлаш. Санитар-химоя зоналари, унинг синфланиши.	2
9.	Экологик тоза қурилиш материаллари. Гипс- экологик тоза қурилиш материаллари. Экологик тоза қурилиш материаллари. Экологик тоза безаш материаллари. Акрил краскалар. Гипсокартон, ғишт, бетон, керамзит. Керамзит бетонли блоклар. Базалит. Қурилиш ПВХ-экологик хавфсиз материаллар.	2

	Жами:	18 соат
--	--------------	---------

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Мавзулар тартиби	МАШҒУЛОТНИНГ НОМИ ВА ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ	Дарс соатлар и хажми
1.	Саноат корхоналарининг экологик ҳолатини аниқлаш. Иссиқлик электростанциядан чиқариб ташланадиган чиқиндилар миқдорини ва мумкин бўлган чегарасини аниқлаш	2
2.	Металлургия, кимё заводларини ҳаво муҳитига таъсирини ҳисоблаш. Автотранспортдан чиқадиган газлардаги зарарли моддалар миқдорини ҳисоблаш	3
3.	Атмосферага чиқарадиган зарарли моддаларнинг тарқалиши ва чегаравий рухсат этилган меъёрларини ҳисоблаш	2
4.	Қурилиш саноати, цемент заводи, кимё корхоналаридан чиқадиган заҳарли моддаларни ҳисоблаш	2
	Жами:	9 соат

ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ

Мавзулар тартиби	МАШҒУЛОТНИНГ НОМИ ВА ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ	Дарс соатлар и хажми
1.	Оқава сувни ифлосланишини аниқлаш. Оқава сувдаги йирик заррачаларни аниқлаш	2
2.	Оқава сувни таркибидаги заррачаларни чўкиш кинетикасини ҳисоблаш	2
3.	Тиндиргичларни параметрларини ҳисоблаш	2
4.	Оқава сувларни тозалашда коагулянт миқдори ва оқаванинг оптимал кўрсаткичларини аниқлаш	3
	Жами:	9 соат

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Мавзулар тартиби	МАШҒУЛОТНИНГ НОМИ ВА ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ	Дарс соатлар и хажми
1.	Саноат корхона ва қишлоқ хўжалик чиқиндиларини қурилишда ишлатилиши	3
2.	Республикада саноат корхона чиқиндилари муаммоларини ҳал этилиши	3
3.	Қурилиш жараёнини атроф муҳитга таъсири	3
4.	Республикада ҳозирги вақтда экология муаммолари: - атмосфера ҳавосидаги муаммолар	3

	- сувларни ифлосланиш муаммолари - ерларнинг ифлосланишини ва уларни олдини олиш	
5.	Республика турли вилоятларининг экологик муаммолари	3
6.	Қурилиш материаллари экологияси (ғишт, шиша, цемент, бетон, алебастр, табиий тош, ёғоч, иссиқликни сақловчи материаллар, битум, линолеум ва ҳк.)	3
7.	Зилзилани атроф муҳитга таъсири: цунамини атроф муҳитга таъсири; атом электростанциясини атроф муҳитга таъсири; радиацион сувни йоддан тозалаш	3
8.	Ноанъанавий энергия манбалари, уларни экологик тозаллиги: қуёш, шамол ва сув энергиялари	3
9.	Анъанавий энергия манбалари: ГЭС, АЭС, ТЭЦ ва уларни атроф муҳитга таъсири	3
10	Экологиянинг ривожланишига ўзбек олимларининг қўшган ҳиссаси	2
11	Чикиндилардан қурилиш материалларини ишлаб чиқиш	2
	жами	31

Дастурнинг инфор­мацион – услубий таъминоти

Фанни ўқитишда янги педагогик технология усуллари­га таяниб, замонавий илмий услубий адабиётларга, методик кўрсатмаларга, янги жадвал ва маълумотларга, техника олий ўқув юртларида ўқитишнинг ҳозирги замон талаб ва услубларини ўқув жараёнига киритилишига асосланади. Бундан ташқари муаммоли ва очиқ маърузалар, компютер ва Интернет тармоқларидан фойдаланиш, дарс ўтишнинг фаол методлари, матрицавий ўйинлар каби технологиялардан кенг фойдаланилади.

Кафедрада махсус лаборатория хона, замонавий ўқув жихозлар, техник воситалар, компютерлар, плакатлар билан таъминланган.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Талаба фаолияти	ОН, мах балл			Талаба фаолияти	ЖН, мах балл			ЯН, мах балл	Жами
	1-ОН	2-ОН	Жами		1-ЖН	2-ЖН	Жами		
Лаборатория иши	10	10	20	Оғзаки сўров	10	10	20	1 савол	10
Мустақил иш	5	5	10	Тест	5	5	10	2 савол	10
Амалий мисол ечиш	5	5	10					3 савол	10
Жами	20	20	40		15	15	30		30
Саралаш бали		20	40			15	30		30

1. Лаборатория иши сони – 4 та. Ҳар бир лаборатория ишига максимал 5 балл қўйилади.
2. Мустақил иш бўйича мавзуга оид рефератлар, жадваллар тайёрланади. Рефератлар мазмун жиҳатдан, жадваллар мазмунига кўра ва эстетик кўриниши, актуаллигига қараб 0,3 балл баҳоланади.
3. Амалий мисол ечиш. Амалий дарсларда турли соҳаларда чиқиндиларни рухсат этилган меъёрларга солиштириб ҳисоблаш (иссиқлик электростанциялари, транспорт, саноат заводлари, лак-бўёқ заводларини атроф-муҳитга таъсири).
4. Оғзаки сўров: мавзулар бўйича савол-жавоб ўтказиш.
5. Тест: саволларга берилган жавоблар ичидан тўғриси топиш.
6. Якуний назорат: вариантларга ёзма равишда жавоб бериш. Ҳар бир савол учун максимал 10 балл ажратилади, жами 3 та савол берилади.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий адабиёт

1. И.А. Каримов «Экология ва ҳаёт» (Президент И. Каримов асарларида экология масалаларининг ёритилиши), экология таълим йуналишлари учун қўлланма, Тошкент, «Ўзбекистон» 2002 йил, 124 бет.
2. Г.Ю. Валуконис «Основы экологии», т. 1. Общая экология. Книга 1. Ташкент, Мехнат. 2001, 328 бет
3. Л.И. Цветкова, «Экология» Учебник для технических вузов. Санк-Петербург. Изд. Химиздат, 2001, 552 бет
4. М.Ш. Мирзаева «Охрана окружающей среды», Методическое указание, Т. ТАСИ, 2000, 35 ст.
5. Мирзаева М.Ш. «Атроф муҳитни муҳофаза этиш», курси бўйича амалий машғулотлар учун вазифалар ва услубий кўрсатмалар. Т. 1994 й. ТАҚИ.
6. Мирзаева М. Ш. «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш», Услубий қўлланма, Тошкент. 1995й. ТАҚИ.
7. Мирзаева М.Ш. «Экология», Методическое указание, Т, 2003 г. Узбекское агенство.
8. А. Эргашев «Умумий экология», Т. «Ўзбекистон», 2003 йил, 462 бет.
9. В. П. Журавлев «Охрана окружающей среды в строительстве», учебник М.Издат. АСВ, 1995, 328 с.
10. А.А.Рафиков, Қ.Н.Абиркулов, А.Н.Хожиматов «Экология» ўқув қўлланма. Тошкент 2004й. 143 бет. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти.
11. Мирзаева М.Ш. «Экология», услубий қўлланма, 2006й. ТАҚИ.
12. Мирзаева.М.Ш. «Экология» фанидан лаборатория ишлари учун услубий қўлланма, Т. 2008й., ТАҚИ. Ўзбекистон нашриёти.
13. И.Ҳамдамов, З.Бобомуродов «Экология» ўқув қўлланма, Тошкент 2009й, 176бет.
14. Ҳ.В.Салимов «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш бўйича атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати», Тошкент 2009й, 335бет. (Руско-узбекский толковый словарь по экологии, охране окружающей среды и природопользованию).
15. Интернет маълумотлари, «Экологик тоза қурилиш материаллари», «Ландшафт экологияси», «Чиқиндиларни қайта ишлаш».
16. Л.В.Передельский, О.Е.Приходченко, «Строительная экология», учебное пособие, Ростов на Дону, Феникс, 2003, 320 стр.
17. В.Д.Валова (Копылова) «Основы экологии» учебное пособие, 2005г, 264стр.
18. А.С.Степановских, «Общая экология», Москва, 2002г, ЮНИТИ.
19. В.Н.Киселев, «Основы экологии», Минск, высшая школа, 2002 г, 383стр.
20. К.Н.Абиркулов, А.Абдулкосимов, Ш.Ҳамдамов, «Ижтимоий экология» Тошкент 2004й, 111бет.
21. D. Yormatova «Sanoat ekologiyasi» O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, Toshkent 2007 yil, 256 бет.

Ишчи ўқув дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

_____ ўқув йили учун ишчи ўқув дастурига қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда:

This image shows a full page of white paper with horizontal blue or grey ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are approximately 20 lines visible. A small portion of a line from the previous page is visible at the top left corner.

Ўзгартириш ва қўшимчаларни киритувчилар:

(профессор-ўқитувчининг И.Ф.О.)

(ИМЗОСИ)

Ишчи ўқув дастурга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар “Бино ва иншоатлар қурилиши” факультети Илмий-услубий Кенгашида муҳокама этилди ва маъқулланди йил “ ” даги “ ” - сонли баённома).

Факультет Илмий-услугбий
Кенгаши раиси:

Ишчи ўқув дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

_____ ўқув йили учун ишчи ўқув дастурига қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда:

This image shows a full page of white paper with horizontal blue ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There is no handwriting or other markings on the paper.

Ўзгартириш ва қўшимларни киритувчилар:

(профессор-ўқитувчининг И.Ф.О.)

(ИМЗОСИ)

Ишчи ўқув дастурга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар “Бино ва иншоатлар қурилиши” факультети Илмий-услубий Кенгашида муҳокама этилди ва маъқулланди йил “ ” даги “ ” - сонли баённома).

Факультет Илмий-услугбий
Кенгаши раиси:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
“ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА КИМЁ” КАФЕДРАСИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
ўқув ишлари бўйича
проректор А. Тулаганов

23 июнь 2011 й.

ЭКОЛОГИЯ

фани бўйича

5580700- Гидротехника иншоотлари қурилиши, **5580300-** Шаҳар қурилиши ва хўжалиги, **5580300-** Касб таълим (Шаҳар қурилиши ва хўжалиги), **5580400-** Мухандислик коммуникациялари қурилиши, **5580500-** Қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш технологияси, **5140900-** Касб таълими (Мухандислик коммуникациялари қурилиши), **5140900-** Касб таълим (Қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш технологияси), **5580200** – Бино ва иншоотлар қурилиши (турлари бўйича), **5140900** – Касб таълими йўналиши учун (Бино ва иншоотлар қурилиши), **5810900-** Сервис (уй-жой ва коммунал, маиший хизматлар)

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Тошкент–2011

Фан бўйича баҳолаш мезони намунавий ва ишчи ўқув дастурлари ҳамда ишчи ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

Мирзаева М.Ш. ТАҚИ “Қурилиш материаллари ва кимё” кафедраси доценти,
_____ (имзо)

Такризчилар:

Фаннинг баҳолаш мезони “Қурилиш материаллари ва кимё” кафедраси
мажлисининг 2011 йил сентябрдаги _____ -сонли мажлисида кўриб чиқилган.

“Қурилиш материаллари ва кимё” кафедраси мудири **доц. Махкамов С.М.**

Фаннинг баҳолаш мезони Мухандислик қурилиш инфраструктураси факультети
кенгашида 2011 йил _____ -сонли мажлисида тасдиқланди.

Мухандислик қурилиши инфраструктураси факультети декани **доц.**
Тошпулатов С.А.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Баҳолаш мезони Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирининг 2010 йил 26 август 1981-1 сонли “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғига асосан ишлаб чиқилди.

“Экология” фанидан талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳар семестрда жорий назорат (ЖН), оралиқ назорат (ОН) ва якуний назорат (ЯН) натижалари асосида баҳоланади.

Рейтинг ишланмаси

Талаба фаолияти	ОН, мах балл			Талаба фаолияти	ЖН, мах балл			ЯН, мах балл	Жами
	1- ОН	2- ОН	Жами		1- ЖН	2- ЖН	Жами		
Лаборатория иши	10	10	20	Оғзаки сўров	10	10	20	1 савол	10
Мустақил иш	5	5	10	Тест	5	5	10	2 савол	10
Амалий мисол ечиш	5	5	10					3 савол	10
Жами	20	20	40		15	15	30		30
Саралаш бали		20	40			15	30		30

1. Лаборатория иши сони – 4 та. Ҳар бир лаборатория ишига максимал 10 балл қўйилади.
2. Мустақил иш бўйича мавзуга оид рефератлар, жадваллар тайёрланади. Рефератлар мазмун жиҳатдан, жадваллар мазмунига кўра ва эстетик кўриниши, актуаллигига қараб 0,3 балл баҳоланади.
3. Амалий мисол ечиш. Амалий дарсларда турли соҳаларда чиқиндиларни рухсат этилган меъёрларга солиштириб ҳисоблаш (иссиқлик электростанциялари, транспорт, саноат заводлари, лак-бўёқ заводларини атроф-муҳитга таъсири)
4. Оғзаки сўров: мавзулар бўйича савол-жавоб ўтказиш.
5. Тест: саволларга берилган жавоблар ичидан тўғрисиини топиш.
6. Якуний назорат: вариантларга ёзма равишда жавоб бериш. Ҳар бир савол учун максимал 10 балл ажратилади, жами 3 та савол берилади.

“Тасдиқлайман”
Кафедра муdiri

_____ 2011 йил

“Қурилиш материаллари, жараён ва аппаратлари” фанидан ишчи дастур бажарилишининг календар тематик режаси

“Экология” фанидан ишчи дастур бажарилишининг календар тематик режаси

Факультет _____ курс _____ академик гуруҳ _____

Маъруза ўқийди _____ тажриба машғулотлари олиб борувчи _____

Т/р	Модул ва мавзу номлари	Машғуло т тури	Ажратилга н вақт	Талаба мустақил иши мавзуси ва мазмуни	Ҳисобот шакли	Бажарилиши ҳақида маълумот		Ўқитувчи имзоси
						соат	Ой ва кун	
1-модул								
1	Табиий атроф мухитни муҳофаза қилишнинг илмий асослари. Экология асослари. В.И. Вернадский биосфера ҳақидаги таълимоти. Экологик омиллар. Тизимлар ва қонунлар, унга техника ривожланишининг таъсири, биогеоценозлар, агроценоз ҳақида тушунча	Маъруза	2		Оғзаки сўров			
2	Оқава сувни ифлосланишини аниқлаш. Оқава сувдаги йирик заррачаларни аниқлаш	Лаборато рия иши	2		Лаборатория да бажарилиши			
3	Табиатда антропоген омиллари. Антропоген омил-	Маъруза	2		Оғзаки сўров			

	ривожланишининг харакатлантирувчи кучи. Табиатда содир бўладиган барча антропоген ўзгаришларнинг турлари ва йўналишлари. Антропоген таъсирини минимал даражага олиб келиш ва ёмон оқибатларга олиб келиш мумкин бўлган таъсирларни йўқотиш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар							
	1-оралиқ назорат							
4	Оқава сувни таркибидаги заррачаларни чўкиш кинетикасини ҳисоблаш	Лаборато рия иши	2		Лаборатория да бажарилиши			
5	Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари. Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш жамият ривожининг асосий шарти. Табиий ресурсларнинг турлари ва классификацияси, табиатдан самарали фойдаланишнинг асослари, биосфера ресурсларининг баҳолаш принциплари. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш бўйича давлат бошқаруви. Атроф муҳит мониторинги бўйича ва унинг вазифалари.	Маъруза	2		Оғзаки сўров			
6	Хар хил ёқилғииларнинг ёниш даврида чиқадиган	Амалий машғулот	2		Масала ечиш			

	захарли моддалар миқдорини ҳисоблаш.							
7	Атмосферага чиқадиган захарли моддалар миқдорини ҳисоблаш.	Амалий машғулот	2		Масала ечиш			
	1-жорий назорат							
2-модул								
8	Биосферани зарарли саноат чиқиндилари билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш. Атмосферани муҳофаза қилиш. Атмосфера хавосининг моҳияти, тузилиши, хоссалари, ифлосланиш ва ифлослантирувчи моддалар. Газларнинг бу жараёни бузилишига ва салбий оқибатларига олиб келиши. Чиқиндилар миқдорини чегаралаш РЭМЧ, РЭМКЧ меъёрларини белгилаш. Кислотали ёмғирлар ва уларнинг металконструкцияга таъсири. Кислотали ёмғирларни асосий компонентлари. Асосий ифлослантирувчи моддаларни таъсир қилиш механизми. Коррозия механизми, унинг металлоконструкцияга таъсири, химоя қилиш усуллари.	Маъруза	2		Оғзаки сўров			
9	Тиндиргичларни	Лаборато	2		Лаборатория			

	параметрларини ҳисоблаш	рияда бажарили ши			да бажарилиши			
10	Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва самарали фойдаланиш. Тоза ичимлик суви билан боғлиқ бўлган муаммолар. Сув манбаъларининг ифлосланиши ва сифатини ёмонлашиш сабаблари ва унинг салбий оқибатлари. Чикинди оқава сувлар, уларнинг турлари ва хусусиятлари. Ички сув омборлари ва ер ости сувларини ифлосланишидан муҳофаза қилиш.	Маъруза	2		Оғзаки сўров			
11	Оқава сувларни тозалашда коагулянт микдори ва оқаванинг оптимал кўрсаткичларини аниқлаш	Лаборато рияда бажарили ши	3		Лаборатория да бажарилиши			
12	Турпоқларни муҳофаза қилиш. Турпоқларни емирилиши. Емирилиш турлари (эрозия). Эрозияни олдини олиш.	Маъруза	2		Оғзаки сўров			
	2- оралиқ назорат							
13	Саноат корхоналарининг ҳаво мухити ҳолатига таъсирини баҳолаш Кимё, цемент, қурилиш заводларини РМЧ параметрларини ҳисоблаш.	Амалий машғулот	2		Масала ечиш			
14	Автотранспортдан чиқадиган газлардаги	Амалий машғулот	3		Масала ечиш			

	зарарли моддалар миқдорини хисоблаш							
	2-жорий назорат							
15	Демография ва экология. Демографик сиғим. Демографик сиғимнинг асосий зарур бўлган талаблар. Демографик сиғимнинг хисоблашда асосан аҳолини майдонга, ичимлик сувга, ерга, бўлган талаблари аниқланади. Санитар, химоя зоналари, унинг синфланиши.	Маъруза	2		Оғзаки сўров			
16	Чикитсиз технология ва чикитсиз ишлаб чиқариш атроф мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, муаммоларни ечиш, мухим омиллари. Иккиламчи хом – ашё ресурслари ва улардан фойдаланиш, минерал хом – ашёларни комплекс қайта ишлаш, чиқиндисиз ва кам чиқиндили корхона ташкил қилиш асосидир. Экологик тоза қурилиш материаллари- гипс. Экологик тоза пардоз материаллари. Акрил краскалар. Ғишт, гипсокартон, керамзит, бетон, блоклар, базалит.	Маъруза	2	Оқава сувларни тозалаш усуллари – бс.	Оғзаки сўров			

	ПВХ-экологик тоза қурилиш материаллари							
17	Экологик тоза қурилиш материаллари. Гипс-экологик тоза қурилиш материаллари. Экологик тоза қурилиш материаллари. Экологик тоза безаш материаллари. Акрил краскалар. Гипсокартон, ғишт, бетон, керамзит. Керамзит бетонли блоклар. Базалит. Қурилиш ПВХ-экологик хавфсиз материаллар.	Маъруза	2	Тупроқларни эрозиядан сақлаб қолиш – 6с.	Оғзаки сўров			
	Якуний назорат иши				Ёзма иш			
	Умумий ўқув соати		77					
	Жами		36					
	Жумладан маъруза		18					
	Амалий машғулот		9					
	Лаборатория		9					
	Мустақил иш		41					

Изох: ТМИ Хажмидан келиб чиқиб ўқув жадвалига ҳафтасига бир марта куннинг иккинчиярмига консультация дарси қўйилади
(ТМИ _____ соат/ ҳафта _____ соат)

Фан ўқитувчи _____
ИМЗО

**МАЪРУЗА ВА ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ
ТЕХНОЛОГИК МОДЕЛ ВА ХАРИТАЛАРИ**

ЎҚУВ УСЛУБИЙ ХАРИТА

1-Маъруза	КИРИШ Экология асослари , экология фанининг мазмуни ва вазифалари (маъруза-2 соат)
------------------	--

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Ўқув соати: 2 соат</i>	Талабалар сони: 50та
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	Ахборотли маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1. Экология атамасини мазмуни, вазифалари. 2. Экология фанининг асосчилари. 3. Экология фанининг асосий босқичлари. 4. Биосфера ҳақидаги таълимот. 5. Экология омиллари, таснифи
Ўқув машғулотининг мақсади: Кириш. Экология асослари, экология фанининг мазмуни ва вазифалари билан танитириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i>
Маърузада экология атамасининг маъноси, экология фани нималарни ўрганади?	Маърузада экология атамасининг маъносини тушуниб оладилар. Экология фанининг ахамияти ва моҳиятини англайдилар.
Экология фанининг ривожланишида қайси олимлар иштирок этишган? Улар қўшган ҳисса билан таништиради.	Экология фанининг ривожланишида қайси буюк олимларимиз ўз ҳиссасини қўшганини билиб оладилар.
Экология фани нечта асосий босқичдан иборатлигини тушунтириб беради: аутоэкология, синэкология, популяция экологияси, биосфера ҳақидаги таълимот билан таништиради.	Экология фанининг асосий босқичлари билан танишиб, уларни ҳар бир босқичларини таснифлаб тушунтириб бера оладилар.
Экология фанининг омиллари билан таништиради. Абиотик, биотик, антропоик омиллари, ҳар бир омилни тушунтиради.	Экология омилларининг таснифини ва уларга нималар киришини тушунтириб берадилар.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, доска, компьютер слайдлар.
Ўқитиш усуллари	Ахборотли маъруза, блиц-сўров, кластер техникаси.
Ўқитиш шакллари	Жамоада ишлаш.
Ўқитиш шароити	Техник воситалар билан таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки саволлар, тест саволлари.

Кириш. Экология асослари, экология фанининг мазмуни ва вазифалари билан таништириш ҳақида тушунча бериш мавзусининг технологик харитаси

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич Мавзуга кириш (10 мин)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, режаси ва ўқув фаолияти натижаларини тушунтиради. 1.2. Курс бўйича баҳолаш мезонлари билан таништиради (1-илова). 1.3. Кластер усулида мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни фаоллаштиради. (2-илова). 1.4. Мавзунини жонлаштириш учун саволлар беради. (3-илова).	Тинглайдилар. Тинглайдилар. Саволларга жавоб берадилар.
2-босқич. Асосий бўлим (60 мин)	2.1. Маъруза ўқийди (4-илова). 2.2. Мухитнинг экологик омилларини таснифи (5-илова). 2.3. Маърузани мустаҳкамлаш учун саволлар беради. (6-илова)	Тинглайдилар ва ёзадилар. Тинглайдилар ва жавоб берадилар.
3-босқич. Яқунловчи (10 мин)	3.1. Машғулоти бўйича яқунловчи хулосалар киради. 3.2. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради. (7-илова) 3.3. Кейинги мавзу бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради. (8-илова).	Саволлар берадилар. Тинглайдилар ва ёзадилар. Ёзадилар.

1-илова

Курс бўйича тингловчиларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш мезонлари

Талаба фаолияти	ОН, мах бал			Талаба фаолияти	ЖН, мах бал			ЯН, мах бал	Жами
	1-ОН	2-ОН	Жами		1-ЖН	2-ЖН	Жами		
Аудиториядаги фаолияти	4	4	8	Оғзаки сўров	10	10	20	1 савол	3
Уй вазифа	4	4	8	Тест	10	15	25	2 савол	5
Амалий мисол ечиш	7	7	14					3 савол	7
Намунавий ҳисоб	5	5	10						
Жами	20	20	40		20	25	45		15
Саралаш бали	10,5	10,5	21,0		11,0	10,5	21,5		8,4


86% - 100% → “Аъло”

71% - 85% → “Яхши”

56% - 70 % → “Қониқарли”

0% - 55 % → “Қониқарсиз”

Кластер усулида мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни фаоллаштиради



Мавзунини жонлаштириш учун блиц сўров саволлари

1. Экология атамасини мазмуни
2. Экология фани нималарни ўрганади?
3. Экологияни асосий мақсади.
4. Экология фани қайси фанларга асосланиб ривожланган.

Маъруза

Кириш

Экология асослари, экология фанининг мазмуни ва вазифалари

Экология тирик жонотларнинг яшаш шароити ва уларнинг ўзлари турган муҳит билан ўзаро яшаб мураккаб муносабатлари ва шу асосда туғилган қонуниятларни ўрганади. Бундан ташқари, экология фани инсоннинг табиат билан ўзаро таъсирининг энг мақбул тарзда ташкил этиш (оптималлаштириш) учун илмий тавсиялар ишлаб чиқади. Бунда экология тирик жонотларнинг тузилиши ва функциясини ўрганувчи биология, ботаника, зоология, физиология, биокимё, морфология, молекуляр биология, микробиология ва бошқа фанда эришилган ютуқларга таянади. Зеро, фанларнинг тармоқланиши босқичидан сўнг қонуний равишда, тегишли соҳаларда тўпланган билимларни умумийлаштириш, бирлаштириш, таснифлаш, системалаштириш лозим бўлади.

Инсон ўз тараққиётининг дастлабки босқичларидаёқ табиат билан узликсиз боғлиқдир. У ҳамиша ўсимлик ва ҳайвонат олами, уларнинг ресурслари билан узвий боғланишда яшаган. Демак, инсон доимо ҳайвонлар, балиқлар, қушлар ва бошқаларнинг ҳаёт тарзи ҳамда тақсимланиш хусусиятларини эътиборга олишга мажбур бўлган. Албатта, қадимги инсонларнинг атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурлари илмий характерга эга эмас. Улар атроф муҳитдаги ўзгаришлар моҳиятини ҳамиша ҳам тўғри англайвермаган. Аммо вақт ўтиши билан уларнинг айнан табиат ёки атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурлари экологик билимлар тўпланиши учун манба бўлиб хизмат қилган.



Экология атамасини фанга биринчи марта 1866 йилда немис биологи Эрнст Геккел киритган. «Экология» сўзи (грекча сўздан келиб чиққан бўлиб, ойкос-уй, яшаш жойи, маскан, ва логос-фан деган маъноларни билдиради) ўз мазмунига кўра, «уй ҳақидаги, ўзининг яшаш жой ҳақидаги фан» деган маънони англатади. Янада умумийроқ маънода экология - бу организмларнинг уларни ўраб турган яшаш муҳити билан ўзаро муносабати (шу билан бирга уларнинг бошқа организмлар ва туркумлар билан ўзаро боғлиқлиги (хилма-хиллиги) ни ўрганувчи фандир.

Экология фақат XX асрда мустақил фан сифатида шаклланди ва расмийлашди. Ҳақиқатда эса, экологиянинг фан сифатидаги катта аҳамияти яқин вақтлардан бошлаб тушунила бошланди. Бу куйидаги ҳолатга боғлиқ ҳолда тушунтирилади. Ер юзида аҳоли сонининг ортиши ва табиий муҳитга бўлган таъсирининг кучайиши инсон олдига ҳал этилиши зарур бўлган қатор янги ҳаётий муҳим масалаларни қўйди. Инсон эндиликда ўзини ўраб турган табиатнинг қандай тузилгани ва «қандай ишлаши» ҳақида тўла маълумотга эга бўлиши, тўғрироғи, уни жуда яхши билиши керак.

Экология ғояси фундаментал илмий фан сифатида жуда муҳим аҳамиятга эга. Агар биз бу фаннинг актуаллигини эътироф этадиган бўлсак, энг аввало, биз унинг қонунлари, тушунчалари, атамаларидан тўғри фойдаланишни ўрганиб олишимиз керак. Улар одамларга ўзларини ўраб турган табиий муҳитда ўз ўрнини аниқлашда, табиат бойликларидан тўғри ва оқилона фойдаланишда жуда катта ёрдам беради. Табиат биз ўзимиз тасаввур этгандан кўра ҳам анча мураккаброқдир. Экологиянинг биринчи қонунини куйидагича ифодалаш мумкин: «Табиатда инсон нимаики иш қилмасин, уларнинг барчаси унда кўпинча олдиндан билиб бўлмайдиган у ёки бу оқибатларни келтириб чиқаради».

Организмларнинг яшаш шароити ва уларнинг ташқи муҳит билан ўзаро муносабати, турлар, популяциялар, биоценозлар, экотизмлар, биосфера ва бошқа тушунчалар экология фанининг манбаини ташкил этади. Умумий экология асосан тўрт бўлимга бўлиб ўрганилади. Булар: аутоэкология, популяциялар экологияси, синэкология ва биосфера ҳақидаги таълимот.

Аутоэкология - айрим турларнинг ўзлари яшаб турган муҳит билан ўзаро муносабатларини, уларнинг қандай муҳитга кўпроқ ва узвий мослашганини ўрганади.

Популяциялар экологияси - популяциялар тузилмаси ва динамикаси, маълум шароитларда турли организмлар сонининг ўзгариши сабабларини текширади.

Синэкология - биогеоценозларнинг тузилиши ва хоссаларини, айрим ўсимлик ва ҳайвон турларининг ўзаро алоқаларини ҳамда уларнинг ташқи муҳит билан бўлган муносабатларини ўрганади.

Биосфера ҳақидаги таълимот - биосфера таркиби, тузилиши ва энергетикаси тирик организмлар фаолияти мажмуи билан белгиланадиган, яъни тирик мавжудотлар тарқалган ер қобиғи.

Экологик омилларнинг организмларга таъсири.

Ерда ҳаёт пайдо бўлгандан буён тирик организмлар ташқи муҳитдаги ҳар хил ўзгаришлар таъсирига дуч келади. Бизнинг она сайёрамизда мавжуд бўлган ҳайвонлар, ўсимликлар ҳамда ҳаёт кечираётган бошқа организмлар ёки жонзотларнинг сони, сероблиги ва географик тарқалишига бевосита ёки бавосита таъсир кўрсатувчи ҳар



қандай ташқи омиллар экологик омиллар деб аталади. Мухитнинг барча омили шартли равишда учта катта гуруҳга ажратилади. Булар абиотик, биотик ва антропоген омиллардир.

Абиотик омиллар – бу нотирик табиат омилларидир.

Иқлимий омиллар: қуёш нури, ҳарорат, ҳаво намлиги.

Маҳаллий омиллар: рельеф, тупроқ хоссалари, шўрлик, оқим, шамол, радиация ва бошқалардир. Бу омиллар организмга бевосита ёки билвосита таъсир қилади. Масалан, ёруғлик ва иссиқлик бевосита таъсир кўрсатса, рельеф бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар- ёритганлик, намлик, шамол ва бошқаларнинг таъсирини белгилайди.

Биотик омиллар - тирик организмларнинг бир-бирига ўзаро таъсири мажмуидир. Улар турли шаклда таъсирлашиши мумкин (масалан, ўсимликларнинг ҳашоратлар билан чангланиши, бир турдаги организмларни бошқаларининг ейиши, ресурсларнинг у ёки бу тури озик, фазо, ёруғлик ва бошқалар учун организмлар ўртасидаги рақобат, паразитизм ва бошқалар). Биотик ўзаро муносабатлар жуда мураккаб ва ўзига хос характерга эга. Шунингдек, улар бевосита ва билвосита бўлиши мумкин.

Антропоген омиллар - бу инсон фаолиятининг шундай шаклики, улар атроф-муҳитга таъсир этиб, тирик организмларнинг яшаш шароитини ўзгартиради ёки ҳайвон ва ўсимликларнинг айрим турларига бевосита таъсир қилади. Энг муҳим антропоген омиллардан бири муҳитнинг ифлосланиши ҳисобланади. Антропоген омил инсон ва унинг хўжалик фаолиятининг тирик организмларга ва бутун табиатга турли хил таъсирлари мажмуини ташкил этади

Популяциянинг асосий хусусиятлари

Табиатда турлар, одатда, бир-бирларидан маълум тарзда химояланган популяциялар тўпламидан иборатдир. Экологик нуқтаи назардан популяция тирик организмлар ҳар қандай туркумининг асосий элементи тарзида қаралади. **Биология фанида ҳар қандай индивидлар йиғиндиси популяция (лотинча «популус» халқ сўзидан келиб чиққан) деб тушунилади.** Экологик нуқтаи назардан эса, маълум яшаш жойида ўз мавжудлигини чекланмаган узок муддат давомида таъминлай олиш ва эркин чатишиш қобилиятига эга бўлган турнинг индивидлари гуруҳига популяция дейилади. Демак, популяция гуруҳга бирлашган индивидлар ёки организмлар бўлиб, улар бир-бирлари, ўзлари яшайдиган муҳит билан доимо алоқада бўладилар. Популяциялар алоҳида ажралган ҳолда яшамайдилар. Бир тур популяциялари бошқалари билан ўзаро таъсирлашади, яъни улар билан биотик туркумлар-яхлит тизимларни ҳосил қилади. Ҳар бир туркумда қандайдир популяция муҳим роль ўйнайди. У маълум экологик ниша ташкил этади ва бошқа турларнинг популяциялари билан ҳамкорликда унинг барқарор ҳаётий фаолиятини таъминлайди.

Биоценозлар ва уларнинг тузилмалари.


Популяцияларнинг ўзаро таъсири тирик тузилмаларнинг янада юқори даражаси- биотик жамоалар ёки биоценозлар характерини белгилайди, муайян ташқи муҳит ёки фазо ва вақтда жамоа бўлиб (биргаликда) яшайдиган турли турлар (ўсимликлар, ҳайвонлар, замбруғлар ва микроорганизмлар)нинг популяциялари мажмуасидан иборат биологик система биоценоз дейилади.

Туркум (биоценоз)ларни ўрганишдан мақсад уларнинг барқарор ҳаёти қандай таъминланишини, туркумларнинг ўзгаришига биотик ўзаро таъсирлар ва яшаш муҳити қандай таъсир кўрсатишини ойдинлаштиришдир.

Экосистемалар

Табиатда барча тирик организмлар жамоага бирлашиб, у ёки бу даражадаги доимийлик хос бўлган туркум ҳосил қилади. Туркум таркиби маълум абиотик омилларнинг қўшилиши, шунингдек, унинг таркибига кирувчи, эҳтиёжлари бўйича ўхшаш бўлган турли организмларнинг ўзаро боғлиқлиги билан белгиланган. Улар орасидаги боғлиқлик озик, химоя, туркумларнинг барча турларининг кўпайиши билан таъминланади. **Тирик организмларнинг ўзаро таъсирлашиши натижасида экологик система ҳосил бўлади.** У тирик организмлар ва уларнинг яшаш муҳитидан ташкил топган ягона табиий мажмуадан иборат.

Экосистеманинг барча таркибий қисми (компоненти) ўзаро таъсирлашади ва бирига таъсир кўрсатади. Оддий сув ҳавзаси экосистемага мисол бўла олади. У ўз



тузилмасида гидробинтлар туркумини, сув таркибининг физик ва кимёвий хоссаларини, туби рельефининг хусусиятларини, тупроқ-лойи таркиби ва тузилиши, суви сирти билан ўзаро таъсирлашувчи атмосфера ҳавоси, қуёш радиациясини камраб олади. Экосистемаларда тирик ва нотирик табиат ўртасида доимий равишда энергия ва модда алмашинуви содир бўлади.

Биогеоценоз - табиий ландшафтни таркибий қисми ва биосферанинг элементар

биоҳудудий бирлигидир. Биогеоценоз - ер сиртининг тирик организмларнинг маълум таркиби ва нисбий барқарорлиги ҳамда ўз-ўзини тартибга солиш билан характерланадиган нотирик табиат компонентлари (тупроқ, атмосфера, иқлим, қуёш энергияси) билан тарихий жихатдан шаклланган бир жинсли қисмидир. Тупроқ ва иқлим, яъни муҳит экотопни ҳосил қилади. У эса туркум характерини белгилади.

5- илова

Муҳитнинг экологик омиллари таснифи

Абиотик омиллар	Биотик омиллар
Иқлимий: ёруғлик, ҳарорат, намлик, шамол, босим	Фитоген: осимликлар таъсири
Эдафоген: тупроқ хусусиятларининг организмларга таъсири.	Зооген: ҳайвонлар таъсири.
Орографик: ер юзаси паст-баландликларининг таъсири	Микробиоген: вируслар, бактерияларнинг организмларга таъсири.
	Антропоген омиллар.
Гидрологик: сув муҳити хусусиятларининг организмлар ҳаётига таъсири.	Инсоннинг организмларга бевосита ва яшаш муҳитларига таъсири.

6- илова

Маърузани мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Экология фани нимани ўргатади?
2. Экология атамасини мазмуни нимадан иборат?
3. Экология мустақил фан сифатида шаклланиши.

4. Умумий экология асосан нечта бўлимлардан иборат?
5. Экологик омилларни қайси турларини биласиз?
6. Популяциянинг асосий хусусиятлари нимадан иборат?
7. Экотизимларга нималар киради?

7-илова

Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхати

21. И.А. Каримов «Экология ва ҳаёт» (Президент И. Каримов асарларида экология масалаларининг ёритилиши), экология таълим йуналишлари учун қўлланма, Тошкент, «Ўзбекистон» 2002 йил, 124 бет.
22. Г.Ю. Валуконис «Основы экологии», т. 1. Общая экология. Книга 1. Ташкент, Мехнат. 2001, 328 бет
23. Л.И. Цветкова, «Экология» Учебник для технических вузов. Санк-Петербург. Изд. Химиздат, 2001, 552 бет
24. М.Ш. Мирзаева «Охрана окружающей среды», Методическое указание, Т. ТАСИ, 2000, 35 ст.
25. Мирзаева М.Ш. «Атроф мухитни муҳофаза этиш», курси бўйича амалий машғулотлар учун вазифалар ва услубий кўрсатмалар. Т. 1994 й. ТАҚИ.
26. Мирзаева М. Ш. «Атроф мухитни муҳофаза қилиш», Услубий қўлланма, Тошкент. 1995й. ТАҚИ.
27. Мирзаева М.Ш. «Экология», Методическое указание, Т, 2003 г. Узбекское агенство.
28. А. Эргашев «Умумий экология», Т. «Ўзбекистон», 2003 йил, 462 бет.
29. В. П. Журавлев «Охрана окружающей среды в строительстве», учебник М.Издат. АСВ, 1995, 328 с.
30. А.А.Рафиков, Қ.Н.Абиркулов, А.Н.Хожиматов «Экология» ўқув қўлланма. Тошкент 2004й. 143 бет. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти.
31. Мирзаева М.Ш. «Экология», услубий қўлланма, 2006й. ТАҚИ.
32. Мирзаева.М.Ш. «Экология» фанидан лаборатория ишлари учун услубий қўлланма, Т. 2008й., ТАҚИ. Ўзбекистон нашриёти.
33. И.Ҳамдамов, З.Бобомуродов «Экология» ўқув қўлланма, Тошкент 2009й, 176бет.
34. Ҳ.В.Салимов «Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш бўйича атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати», Тошкент 2009й, 335бет. (Руско-узбекский толковый словарь по экологии, охране окружающей среды и природопользованию).
35. Интернет маълумотлари, «Экологик тоза қурилиш материаллари», «Ландшафт экологияси», «Чиқиндиларни қайта ишлаш».
36. Л.В.Передельский, О.Е.Приходченко, «Строительная экология», учебное пособие, Ростов на Дону, Феникс, 2003, 320 стр.
37. В.Д.Валова (Копылова) «Основы экологии» учебное пособие, 2005г, 264стр.
38. А.С.Степановских, «Общая экология», Москва, 2002г, ЮНИТИ.
39. В.Н.Киселев, «Основы экологии», Минск, высшая школа, 2002 г, 383стр.
40. К.Н.Абиркулов, А.Абдулкосимов, Ш.Хамдамов, «Ижтимоий экология» Тошкент 2004й, 111бет.
21. D. Yormatova «Sanoat ekologiyasi» O`zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, Toshkent 2007 yil, 256 бет.

8-илова

Кейинги мавзу бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар

1. Антропоген омилни тушунчаси.
2. Қандай антропоген омилларни биласиз?
3. Антропоген омил неча турга бўлинади?

1 - лаборатория иши	Оқава сувларда йирик эримаган заррачалар миқдорини аниқлаш
----------------------------	---

(лаборатория иши-2 соат)

1.1. Лаборатория ишини олиб бориш технологияси

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони: 15 та	
Ўқув машғулоти шакли	Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича лаборатория иш.	
Лаборатория иши режаси	1. Оқава сувлардаги йирик эримаган заррачалар аралашмасини миқдорини аниқлаш усуллари билан танишиш. 2. Кераклик жиҳозлар билан танишиш. 3. Иш тартиби билан танишиш. 4. Олинган натижаларни формула орқали ҳисоблаш.	
Лаборатория ишининг мақсади: Оқава сувлардаги йирик эримаган заррачалар аралашмасини миқдорини аниқлаш усуллари билан танишиш.		
Педагогик вазифалар:		Ўқув фаолиятининг натижалари:
Лаборатория ишида оқава сувлардаги йирик эримаган заррачалар аралашмаси миқдорини аниқлаш усуллари билан таништилади.		Талабалар лаборатория ишида оқава сувлардаги йирик эримаган заррачалар аралашмаси миқдорини аниқлаш усуллари билан танишадилар.
Лаборатория ишида керакли жиҳозлар билан таништилади.		Талабалар лаборатория ишида керакли жиҳозлар билан танишадилар.
Иш тартиби билан таништилади.		Талабалар иш тартиби билан танишадилар.
Тарозда қоғоз филтрни ўлчашини кўрсатади.		Талабалар тарозда қоғоз филтрни ўлчашини ўрганадилар.
Шиша воронка орқали оқава сувни филтрлашини ўргатади.		Талабалар шиша воронка ёрдамида оқава сувни филтрлашини ўрганадилар.
Олинган натижани формулага қўйиб ҳисоблашни ўргатади.		Талабалар олинган натижани формулага қўйиб ҳисоблашни ўрганадилар.
Ўқитиш воситалари		Лаборатория иши матни, доска, компьютер слайдлар.
Ўқитиш усуллари		Лаборатория иши, сўров.
Ўқитиш шакллари		Жамоада ишлаш.
Ўқитиш шароити		Техник воситалар билан таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш		Оғзаки саволлар, лаборатория ишини топшириш.

Оқава сувларда йирик эримаган заррачалар миқдорини аниқлаш ҳақида тушунча бериш мавзусининг технологик харитаси

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич	1.1.Лаборатория ишини мавзуси, режаси ва	

Мавзуга кириш (10 мин)	ўқув фаолияти натижаси тушунтирилади. 1.2. Лаборатория ишида тароз билан таништиради.(1-илова). 1.3.Лаборатория ишини жонлаштириш учун сўров саволлари. (2-илова).	Тинглайдилар. Тинглайдилар. Саволларга жавоб берадилар.
2-босқич. Асосий бўлим (60 мин)	2.1. Лаборатория ишини мазмуни (3-илова). 2.2. Олинган натижаларни формула орқали хисоблаш. (4-илова)	Тинглайдилар ва ёзадилар. Тинглайдилар ва жавоб берадилар.
3-босқич. Яқунловчи (10 мин)	3.1.Лаборатория иши бўйича яқунловчи хулосалар киради. 3.2.Лаборатория иши бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради. (5-илова) 3.3.Кейинги лаборатория ишига тайёрланиб келиши учун саволлар беради. (6-илова).	Саволлар берадилар. Тинглайдилар ва ёзадилар. Ёзадилар.

1-илова

Лаборатория ишида тароз билан таништиради




Рис. 13. Технохимические весы




Рис. 10. Фарфоровая посуда:
1 — чашка; 2 — тигель; 3 — воронка; 4 — ступка с пестиком; 5 — фарфоровая пластинка с углублениями

2- илова

Мавзунини жонлаштириш учун сўров саволлари

1. Оқава сув деганда нимани тушунаси?
2. Оқава сув нималар билан ифлосланади?
3. Оқава сувни филтрланганда нимадан ажратилади?
4. Оқава сувни таркибида нималар бор?

1-Лаборатория иши

Оқава сувларда йирик эримаган заррачалар миқдорини аниқлаш

Тажриба ўтказишдан мақсад: оқава сувлардаги йирик эримаган заррачалар аралашмаси миқдорини аниқлаш усуллари билан танишиш.

Керакли жиҳозлар:

- оқава сув намуналари,
- фильтрлар,
- 25 – 100 мл ҳажмли шиша цилиндрлар,
- колбалар,
- кимёвий воронкалар,
- бюкслар,
- чинни идишчалар,
- тарозу,
- сув ҳаммоми,
- қуритиш шкафи.

Иш тартиби:

Вариант А. Ўқитувчи кўрсатмасига биноан 25-50 мл ҳажмда оқава сувни яхшилаб чайқатилади ва аввалдан оғирлиги ўлчаб қўйилган пардали фильтр ёки воронкага жойлаштирилган қоғоз фильтр орқали филтрланади. Қуйка чўккан филтрни дастлаб ҳавода, сўнг қуритиш шкафида 40 – 50⁰С да доимий оғирликка эришгунга қадар қуритилади ва оғирлиги ўлчанади.

Оқава сувдаги аралашмалар миқдори қуйидаги формула билан аниқланади:

$$X = \frac{(M_2 - M_1) * 1000}{Y}, \text{мг / л}$$

Бу ерда, M_1 – филтрнинг филтрлашдан аввалги оғирлиги, мг

M_2 - қуйқали филтрнинг оғирлиги, мг

Y – филтрлаш учун олинган оқава сув ҳажми, л

Вариант Б. Тоза, аввалдан оғирлиги ўлчанган чинни идишга текшириш учун олинган оқава сувдан маълум миқдорини яхшилаб чайқатиб қуйилади. Сўнг сув ҳаммомида парлантириб, қуритиш шкафида 100-150⁰С да қуритилади. Оғирлик доимий кўрсаткичга етгач, тарозуда ўлчанади.

Оқава сувдаги аралашмалар миқдори қуйидаги формула билан аниқланади:

$$X = \frac{(M_2 - M_1) * 1000}{Y}, \text{мг / л}$$

Бу ерда, M_1 – тоза чинни идиш оғирлиги, г

M_2 - қуйқали чинни идиш оғирлиги, г

Y – олинган оқава сув ҳажми, л

4-илова

Олинган натижаларни формула орқали ҳисоблаш

$$X = \frac{(M_2 - M_1) * 1000}{Y}, \text{ мг / л}$$

Бу ерда, M_1 – фильтрнинг филтрлашдан аввалги оғирлиги, мг

M_2 - қуйқали фильтрнинг оғирлиги, мг

Y – филтрлаш учун олинган оқава сув ҳажми, л

5-илова

Лаборатория ишлари бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхати

1. М.Ш. Мирзаева «Охрана окружающей среды», Методическое указание, Т. ТАСИ, 2000, 35 ст.
2. Мирзаева М.Ш. “Атроф мухитни муҳофаза этиш” , курси бўйича амалий машғулотлар учун вазифалар ва услубий кўрсатмалар. Т. 1994 й. ТАҚИ.
3. Мирзаева М. Ш. “Атроф мухитни муҳофаза қилиш”, Услубий қўлланма, Тошкент. 1995й. ТАҚИ.
4. Мирзаева М.Ш. “Экология”, Методическое указание, Т, 2003 г. Узбекское агенство.
5. Мирзаева М.Ш. “Экология”, услубий қўлланма, 2006й. ТАҚИ.
6. Мирзаева.М.Ш. “Экология” фанидан лаборатория ишлари учун услубий қўлланма, Т. 2008й., ТАҚИ. Ўзбекистон нашриёти.

6-илова

Кейинги лаборатория ишига тайёрланиб келиши учун саволлар беради

1. Лойқалик нима?
2. Оқава сув лойқаланганлиги қандай аниқланади?
3. Тиниқлик нима?
4. Тиниқликни аниқлашда қайси асбоб ишлатилади?

2-Маъруза	Антропоген омиллар
------------------	---------------------------

2 соат)

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони: 50та
Ўқув машғулоти шакли	Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича амалий иш
Маъруза режаси	6. Антропоген омиллар. 7. Атроф мухитни экологик ифлосланиши. 8. Атроф мухитни ифлосланиш турлари. 9. Рухсат этиладиган меъёрий чегара (РЭМЧ). 10. Рухсат этиладиган концентрация меъёрий чегара (РЭКМЧ).

	11. Атроф мухитнинг мониторинг хизмати.
Ўқув машғулотининг мақсади: Антропоген омиллар, уларни турлари, атроф мухитнинг ифлосланиш йўллари ва уларни қандай назорат қилиниши билан таништириш.	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолиятининг натижалари:
Маърузада антропоген омилига нималигини таништиради ва уларнинг атроф мухитга қандай таъсир қилиши мумкинлигини тушунтиради.	Маърузада антропоген омили инсонларнинг табиатга таъсирини тушуниб оладилар.
Инсонларнинг табиатга таъсири натижасида ҳар хил ифлосланишлар бўлиши мумкинлигини тушунтириб беради.	Тингловчилар инсонларнинг табиатга қандай таъсир кўрсатиб, табиатни ифлослантириши мумкинлиги билан танишадилар.
Атроф мухитда табиий ифлосланиш қандай бўлиши билан таништиради.	Атроф мухитда табиий ифлосланиш қандай ўтиши билан танишиб оладилар.
Атроф мухитда сунъий ифлосланиш қандай ўтади. Табиатни нималар ифлослантириши мумкинлигини тушунтириб беради.	Сунъий ифлосланиш табиатда қандай бўлиши билан танишиб оладилар.
Атроф мухитни назорат қилиб турадиган мониторинг тизими билан таништиради.	Табиатнинг ифлосланиш мониторинг тизимини назорат қилиш билан танишадилар.
Рухсат этиладиган меъёрий чегара нималиги билан таништиради.	Рухсат этиладиган меъёрий чегара (РЭМЧ) нималигини тушуниб оладилар.
Рухсат этилган концентрациянинг меъёрий чегараси нимага таълуқлиги эканлигини тушунтириб беради.	Рухсат этилган концентрация меъёрий чегараси ҳар бир кимёвий модданинг табиатга таъсир қилмайдиган миқдори деб билиб танишадилар.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, доска, компьютер слайдлар.
Ўқитиш усуллари	Ахборотли маъруза, блиц-сўров, клайстер техникаси.
Ўқитиш шакллари	Жамоада ишлаш.
Ўқитиш шароити	Техник воситалар билан таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки саволлар, тест саволлари.

Антропоген омиллар-инсонларни табиатга таъсири, уларнинг турлари билан таништириш ҳақида тушунча бериш мавзусининг технологик харитаси

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич Мавзуга кириш (10 мин)	1.1. Ўқув машғулотини мавзуси, режаси ва ўқув фаолияти натижаларини тушунтиради. 1.2. Кимёвий моддаларни рухсат этилган концентрация меъёрий чегарани жадвали.(1-илова).	Тинглайдилар. Тинглайдилар.

	1.3. Мавзуни жонлаштириш учун саволлар беради. (2-илова).	Саволларга жавоб берадилар.
2-босқич. Асосий бўлим (60 мин)	2.1. Маъруза ўқийди (3-илова). 2.2. Маърузани мустаҳкамлаш учун саволлар беради. (4-илова)	Тинглайдилар ва ёзадилар. Тинглайдилар ва жавоб берадилар.
3-босқич. Яқунловчи (10 мин)	3.1. Машғулоти бўйича яқунловчи хулосалар киради. 3.2. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради. (5-илова) 3.3. Кейинги мавзу бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради. (6-илова).	Саволлар берадилар. Тинглайдилар ва ёзадилар. ёзадилар.

1-илова

**Кимёвий моддаларни рухсат этилган концентрация меъёрий чегарани (РЭКМЧ)
жадвали**

Моддалар номи	Кимёвий формуласи	Молекула оғирлиги	Хавфлилик синфи	РЭКМЧ мг/м ³
Аммиак	NH_3	17	2	20
Ацетон	CH_3COCH_3	58	4	200
Ацетилен	C_2H_2	26	3	50
Бензол	C_6H_6	78	2	5
Ксилол	$C_6H_4(CH_3)_2$	106	3	50
Бензин	C_5H_{10}	70,8	4	300
Керосин К ₀₋₂₅	$C_{11}H_{22}$	154	4	300
Уайт-спирт	$C_{10}H_{21}$	141	4	300
Растворитель М	C_3H_7O	59	4	300
Скипидар	$C_{10}H_{15}$	135	4	300
Нашатир спирти 15%	NH_4OH	35	3	10
Толуол	$C_6H_5CH_3$	136	3	50
Эфирлар: Дибутил	C_3H_7OH	60	2	0,5
Диэтилбензол	C_2H_5OH	44	3	10
Дихлорбензол	C_2HCl_2	96	4	20

Фенол	C_6H_6O	94	2	0,05
Углерода оксид	CO	28	4	20

2-илова

Мавзунни жонлаштириш учун блиц сўров саволлари

5. Антропоген омили деганда нимани тушунаси?
6. Қандай антропоген омилларни биласиз?
7. Экологик ифлосланиш деб нимага айтилади?
8. Мониторинг тизими қандай фаолият олиб боради?

3-илова

Маъруза

Табиатга инсон томонидан кўрсатиладиган « зулм» нинг оқибатлари ҳақида В.И.Вернадский қарийиб бундан эллик йил олдин огоҳлантириб шундай деган эди: «Инсон Ер қиёфасини ўзгартиришга қодир геологик кучга айланади». Бу гап ҳаётда ўз тасдиғини топди. Антропоген фаолият оқибатида табиат ресурслари тугаяпти, ишлаб чиқариш чиқиндилари билан биосфера ифлосланмоқда, табиий экосистемалар ишдан чиқмоқда, Ер сирти структураси ўзгармоқда, иқлим ҳолати ёмонлашмоқда. Антропоген таъсирлар деярли табиий биокимёвий циклларнинг бузилишига олиб келади.

Инсон фаолияти ёки қандайдир улкан табиий ҳодиса (масалан, вулқон отилиши) туфайли табиий муҳитда янги компонентларнинг пайдо бўлиши экологик ифлосланиш дейилади. Экологик ифлосланиш атроф - муҳитда экологик системалар ёки уларнинг айрим элементлари «ишлашини» ишдан чиқарувчи ва инсон ҳаёти ёки унинг хўжалик фаолияти юритиши учун муҳим сифатини пасайтирувчи зарарли моддаларнинг мавжудлиги билан характерланади. Айни жойдаги атроф-муҳитда пайдо бўлиб, унинг системасини мувозанат ҳолатидан чиқарувчи барча жисмлар, моддалар, ҳодисалар, жараёнлар ифлослантирувчилар қаторига киради.



Табиий ва антропоген таъсирлар туфайли ифлосланишлар мавжуд. Табиий ифлосланишлар табиий сабаблар натижасида юзага келади. Антропоген ифлосланишлар - инсон фаолиятининг натижасидир. Атмосферанинг ифлосланиши унинг таркибидаги турли салбий ўзгаришлар, ҳавонинг иккинчи даражали компоненти концентрациясининг ўзгариши билан боғлиқ. Атмосфера ифлосланиши табиий манбалари - бу вулканлар, шамол бўронлари, емирилишлар, ўрмонларнинг ёниши, ҳайвон ва ўсимликларнинг чириш жараёнлари ва бошқалардир. Атмосфера ифлосланишининг асосий антропоген манбаларига ёқилғи - энергетик комплекси корхоналари, транспорт, турли машина қурилиши корхоналари ва бошқалар киради. Ҳар қайси ифлослантирувчи табиатга маълум салбий таъсирлар кўрсатади. Шунинг учун уларнинг атроф-муҳитга тарқалиши ва унинг миқдори қатъий назорат қилиниши керак. Ёонунчиликда ҳар бир ифлослантирувчи модда учун табиий муҳитда рухсат этиладиган меъёрий чегараси (РМЧ) ва унинг концентрациясининг меъёрий чегараси (КМЧ) белгилаб қўйилади.

Рухсат этиладиган меъёрий чегара (РМЧ) дейилганда вақт бирлигида манба томонидан чиқариладиган ифлослантирувчи модда массаси тушунилади. Ифлослантирувчи модда РМЧ миқдоридан ортиб кетса, атроф-муҳитда номақбул оқибатлар келтириб чиқаради ва у инсон саломатлиги учун хавф-хатарли бўлиши мумкин.

Рухсат этиладиган концентрация (меъёрий) чегараси (РКЧ) дейилганда атроф - муҳитдаги зарарли модданинг шундай миқдори тушуниладики, у муҳит билан инсон доимий ёки вақтинчалик алоқада бўлганида ҳам унинг саломатлиги ёки авлодларига салбий таъсир кўрсатмайди. Ҳозирги вақтда РКЧ сани аниқлашда ифлослантирувчи ларнинг нафақат инсон саломатлигига таъсири даражасини, балки уларнинг, ҳайвонлар, ўсимликлар, замбуруғлар, микроорганизмлар, шунингдек, табиий туркумларга кўрсатадиган таъсири ҳам ҳисобга олинади. Атроф-муҳит мониторинг махсус хизмати зарарли моддаларнинг РМЧ ва РКЧсининг белгиланган нормативларига қай даражада амал қилинаётганлиги устидан назорат олиб боради. Бундай хизмат Республикаимизнинг барча вилоятларида ташкил этилган. Айниқса, йирик шаҳарларда, кимё заводлари яқинида, Сариосиё тумани, Орол бўйи минтақаларида уларнинг аҳамияти жуда каттадир. Мониторинг хизмати катта ҳуқуқга эга бўлиши керак. У қонунда назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланиб, атроф-муҳитига зарар келтираётган, атроф-муҳит меъёрларини бузаётган корхоналарни, ҳар қандай бошқа ишларни тўхтатиб қўйиш лозим.

Ёнилғига, металлларга, минерал хом ашё ва уларни қазиб олишга бўлган эҳтиёжнинг жадал суръатлар билан ортиши бу ресурсларнинг камайишига олиб келади.

Чегаралашнинг экологик принципи шундан иборатки, ресурслар чекли ва шунинг учун улар беҳуда сарфланмаслиги керак; янги ресурсларни тўхтовсиз очавермаслик лозим. Уларнинг келгувси авлодлар учун ҳам асраш ва авайлаш зарур.



Ёр биосфераси ўз-ўзини тиклашга, мувофиқлаштиришга қодир. У инсоннинг табиатга нооқилона аралашувига бардош беради ва унинг салбий оқибатларини тўғрилай олади. Аммо ҳамма нарсанинг ҳам ўз чегараси бор. Инсоният ҳам худди ана шу чегарага етиб келди. У экологик ҳалокат ёқасида турибди. Бугунги кунда, равшанки, атмосферанинг физик хоссалари ёки кимёвий таркибига таъсир қилувчи инсоннинг ҳар қандай фаолияти муҳитнинг экологик вазиятини жиддий равишда ишдан чиқариши, хусусан, сайёрадаги иқлимнинг глобал ўзгаришига олиб келиши мумкин. Агар инсоният атмосфера ифлосланишининг олдини олиш бўйича ўз вақтида тегишли чора тadbирлар белгиламаса, у ҳолда уни ҳалокатли оқибатлар кутади.

4- илова

Маърузани мустаҳкамлаш учун саволлар

4. Атроф муҳитни экологик ифлосланиши нимадан иборат?
5. Атроф муҳитни нечта ифлосланиш турларини биласиз?
6. Атроф муҳитга чиқадиган моддаларни руҳсат этиладиган меъёрий чегараси қандай аниқланади?
7. Рухсат этиладиган меъёрий концентрация нимани белгилайди?
8. Атроф-муҳит мониторингни асосий вазифалари.

5-илова

Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхати

41. И.А. Каримов «Экология ва ҳаёт» (Президент И. Каримов асарларида экология масалаларининг ёритилиши), экология таълим йуналишлари учун қўлланма, Тошкент, «Ўзбекистон» 2002 йил, 124 бет.
42. Г.Ю. Валуконис «Основы экологии», т. 1. Общая экология. Книга 1. Ташкент, Мехнат. 2001, 328 бет
43. Л.И. Цветкова, «Экология» Учебник для технических вузов. Санк-Петербург. Изд. Химиздат, 2001, 552 бет

44. М.Ш. Мирзаева «Охрана окружающей среды», Методическое указание, Т. ТАСИ, 2000, 35 ст.
45. А. Эргашев “Умумий экология”, Т. “Ўзбекистон”, 2003 йил, 462 бет.
46. В. П. Журавлев «Охрана окружающей среды в строительстве», учебник М.Издат. АСВ, 1995, 328 с.
47. А.А.Рафиков, Қ.Н.Абиркулов, А.Н.Хожиматов “Экология” ўқув қўлланма. Тошкент 2004й. 143 бет. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти.
48. И.Хамдамов, З.Бобомуродов “Экология” ўқув қўлланма, Тошкент 2009й, 176бет.
49. Ҳ.В.Салимов “Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш бўйича атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати”, Тошкент 2009й, 335бет. (Русско-узбекский толковый словарь по экологии, охране окружающей среды и природопользованию).
50. Л.В.Передельский, О.Е.Приходченко, «Строительная экология», учебное пособие, Ростов на Дону, Феникс, 2003, 320 стр.
51. В.Д.Валова (Копылова) «Основы экологии» учебное пособие, 2005г, 264стр.
52. А.С.Степановских, «Общая экология», Москва, 2002г, ЮНИТИ.
53. В.Н.Киселев, «Основы экологии», Минск, высшая школа, 2002 г, 383стр.
54. К.Н.Абиркулов, А.Абдулкосимов, Ш.Хамдамов, «Ижтимоий экология» Тошкент 2004й, 111бет.
15. D. Yormatova “Sanoat ekologiyasi” O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, Toshkent 2007 yil, 256 бет.

6-илова

Кейинги мавзу бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар

1. “Экосан” – экология ва саломатлик фонди қандай ташкилот?
2. “Қизил китоб” нинг аҳамияти.
3. Орол фожияси қандай келиб чиққан?
4. Тожикистоннинг Алюминий заводи нинг чегарадош Сурхандарё вилоятига қандай таъсири бор?

2 - лаборатория иши	Оқава сувларнинг лойқаланганлик даражасини аниқлаш
----------------------------	---

(лаборатория иши-2 соат)

1.1. Лаборатория ишини олиб бориш технологияси


Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони: 12 та		
Ўқув машғулотини шакли	Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича лаборатория иш.		
Лаборатория ишини режаси	1. Тажриба ўтказишдан мақсад. 2. Керакли жихозлар билан танишиш. 3. Иш тартиби билан танишиш. 4. Снеллен асбоби билан танишиш. 5. Калибровчи жадвал воситаси асосида тиниқлик кўрсаткичи лойқалик кўрсаткичига ўгирилиши билан таништириш. 6. “Тиниқлик – лойқалик” графигини чизиш.		
Лаборатория ишининг мақсади: Оқава сувларнинг лойқаланганлик даражасини аниқлаш билан танишиш.			
Педагогик вазифалар:		Ўқув фаолиятининг натижалари:	
Лаборатория ишида тажриба ўтказишдан мақсадини тушунтириб		Талабалар лаборатория тажриба ўтказишдан мақсадини тушуниб	

беради.	оладилар.
Керакли жихозлар билан таништиради.	Талабалар керакли жихозлар билан танишадилар.
Лаборатория иш тартиби билан таништиради.	Талабалар лаборатория иш тартиби билан танишадилар.
Оқава сувни лойқалигини аниқлашда Снеллен асбоби билан таништиради.	Талабалар оқава сувни лойқалигини аниқлашда Снеллен асбоби билан танишадилар.
Калибрловчи жадвал воситаси асосида тиниқлик кўрсатгичи лойқалик кўрсатгичига ўгирилишини таништиради.	Талабалар калибрловчи жадвал воситаси асосида тиниқлик кўрсатгичи лойқалик кўрсатгичига ўгирилишини ўрганадилар.
Ўқитиш усуллари	Лаборатория иши, сўров.
Ўқитиш шакллари	Жамоада ишлаш.
Ўқитиш шароити	Техник воситалар билан таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки саволлар, лаборатория ишини топшириш.

**Оқава сувларнинг лойқаланганлик даражасини аниқлаш хақида тушунча бериш
мавзусининг технологик харитаси**

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич Лаборатория ишига кириш (10 мин)	1.1.Лаборатория ишини мавзуси, режаси ва ўқув фаолияти натижаси тушунтирилади. 1.2. Лаборатория ишида Снеллен асбоби билан танишадилар.(1-илова). 1.3. “Тиниқлик-лойқалик” калибрловчи жадвал берилади. (2-илова). 1.4.Лаборатория ишини жонлаштириш учун сўров саволлари.(3-илова)	Тинглайдилар. Тинглайдилар. Саволларга жавоб берадилар.
2-босқич. Асосий бўлим (60 мин)	2.1. Лаборатория ишини мазмуни (4-илова). 2.2.. “Тиниқлик-лойқалик” графигини чизиш (5-илова).	Тинглайдилар ва ёзадилар. Тинглайдилар ва жавоб берадилар.
3-босқич. Якунловчи (10 мин)	3.1.Лаборатория иши бўйича якунловчи хулосалар киради. 3.2.Лаборатория иши бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради. (6-илова) 3.3.Кейинги лаборатория ишига тайёрланиб келиши учун саволлар беради. (7-илова).	Саволлар берадилар. Тинглайдилар ва ёзадилар. Ёзадилар.

Лаборатория ишида тароз билан таништилади



Снеллен асбоби

2- илова

Тиниқликни (см) - лойқаликка (мг/л). ўгириш калибровчи жадвал

Тиниқлик см.	Лойқалик мг/л.	Тиниқлик см.	Лойқалик мг/л.	Тиниқлик см.	Лойқалик мг/л.
5,0	185,0	13,5	67,5	29,0	31,5
5,5	170,0	14,0	65,0	30,0	30,5
6,0	155,0	14,5	63,0	31,0	29,5
6,5	142,0	15,0	61,0	32,0	28,6
7,0	130,0	16,0	56,4	33,0	27,7
7,5	122,0	17,0	53,1	34,0	26,9
8,0	114,0	18,0	50,4	35,0	26,1
8,5	108,0	19,0	48,0	36,0	25,4
9,0	102,0	20,0	45,5	37,0	24,8
9,5	97,0	21,0	43,3	38,0	24,2
10,0	92,0	22,0	41,4	39,0	23,6
10,5	87,0	23,0	39,4	40,0	23,0
11,0	83,0	24,0	38,0	41,0	22,4
11,5	79,0	25,0	36,5	42,0	21,8
12,0	76,0	26,0	35,1	43,0	21,2
12,5	73,0	27,0	33,8	44,0	20,7
13,0	70,0	28,0	32,6	45,0	20,2

3- илова

Лаборатория ишини жонлаштириш учун сўров саволлари

1. Оқава сувнинг лойқаланганлиги нима?
2. Тиниқлик қандай аниқланади?
3. Снеллен асбоби қандай ишлатилади.
4. Қандай қилиб график чизилади.

2 - Лаборатория иши

Оқава сувларнинг лойқаланганлик даражасини аниқлаш

Тажриба ўтказишдан мақсад: оқава сувларнинг лойқаланганлик даражаси ва таркибидаги коллоид аралашмалар миқдорини аниқлаш.

Керакли жиҳозлар:


- оқава сув намуналари,
- калибрловчи графикни тузиш учун таркибида аралашмалар турлича миқдорда (2, 5, 10, 20, 30, 40, 50, 60 мг/л) бўлган стандарт суспензиялар,
- 25 – 100 мл ҳажмли шиша цилиндрлар,
- Снеллен асбоби (баландлиги 30-35 см, диаметри 2,5-3 см бўлган ва ҳар 1 см оралиғида градусларга бўлинган шиша цилиндр),
- ўлчовли цилиндрлар,
- колбалар,
- фотоколориметр,
- кювета.

Иш тартиби:


Вариант А. Оқава сув намунасида Снеллен асбобига цилиндр тубидаги «крест» ёки «шрифт» белгиси кўринмай қолгунча қуйилади. Сув то «крест» белгиси кўрингунга қадар резина найча орқали оқизиб чиқарилади ва асбобдаги сув қатлами баландлиги сантиметрларда ўлчанади. Бу баландлик кўрсаткичи текшириладиган сувнинг тиниқлик хусусиятларини баҳолайди.

Каолинда тайёрланган стандарт суспензиялардан фойдаланиб тузилган калибрловчи жадвал воситасида тиниқлик кўрсаткичи (см) лойқалик кўрсаткичига (мг/л) ўгирилади. Олинган маълумотлар қуйида берилган жадвалга киритилади. «Тиниқлик - лойқалик» орасидаги боғлиқлик графиги чизилади.

Оқава сув намунаси	Тиниқлик, см	Лойқалик, мг/л
№ 1		
№ 2		



1-расм. Снеллен асбоби

“Тиниклик-лойқалик” графигини чизиш

6-илова

Лаборатория ишлари бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхати

1. М.Ш. Мирзаева «Охрана окружающей среды», Методическое указание, Т. ТАСИ, 2000, 35 ст.
2. Мирзаева М.Ш. “Атроф мухитни муҳофаза этиш” , курси бўйича амалий машғулотлар учун вазифалар ва услубий кўрсатмалар. Т. 1994 й. ТАҚИ.
3. Мирзаева М. Ш. “Атроф мухитни муҳофаза қилиш”, Услубий қўлланма, Тошкент. 1995й. ТАҚИ.
4. Мирзаева М.Ш. “Экология”, Методическое указание, Т, 2003 г. Узбекское агенство.
5. Мирзаева М.Ш. “Экология”, услубий қўлланма, 2006й. ТАҚИ.
6. Мирзаева.М.Ш. “Экология” фанидан лаборатория ишлари учун услубий қўлланма, Т. 2008й., ТАҚИ. Ўзбекистон нашриёти.

7-илова

Кейинги лаборатория ишига тайёрланиб келиши учун саволлар беради

1. Тиндиргич нима, унинг вазифаси?
2. ФЭК асбоби нимани аниқлайди?
3. Секундамер нимага ишлатилади?
4. Снеллен асбоби билан нима аниқланади?

3-Маъруза	Атроф мухитни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари
------------------	--

(маъруза-2 соат)

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони: 50та
Ўқув машғулоти шакли	Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича амалий иш.
Маъруза режаси	12. Табиатни муҳофаза қилишнинг асосий принциплари. 13. Ўзбекистондаги нодавлат ташкилот – экология ва саломатлик фонди “Экосан”. 14. Халқаро табиатни муҳофаза қилиш куни 5 июн.

	15. “Қизил китоб”ни биологик ресурсларини химоя қилишда унинг ахамияти. 16. Орол фожиаси. 17. Тожикистондаги Турсунзода шахридаги Алюминий заводини экологик мухитга зарар етказмоқлиги.
Ўқув машғулотининг мақсади: Атроф мухитни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари билан таништириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i>
Маърузада табиатни муҳофаза қилишнинг асосий принциплари билан таништиради.	Талабалар табиатни муҳофаза қилишни асосий принциплари билан танишади.
Ўзбекистондаги нодавлат ташкилот – экология ва саломатлик фонда тўғрисида маълумот беради.	Талабалар “Экология ва саломатлик” фондининг олиб борилаётган ишлари тўғрисида маълумотга эга бўлишади.
5-июн халқаро табиатни муҳофаза қилиш куни деб эълон қилинганлиги ҳақида маълумот беради.	Талабалар БМТ нинг 1-Умумжаҳон конгрессида 5-июн халқаро табиатни муҳофаза қилиш куни деб эълон қилинганлиги ҳақида маълумотга эга бўлишади.
Халқаро “Қизил китоб” ни биологик ресурсларни химоя қилишда унинг ахамияти тўғрисида маълумот берди.	Талабалар “Қизил китоб” ни биологик ресурсларни химоя қилишда роли ва ахамияти катталиги ҳақида маълумотга эга бўлишади.
Орол денгизининг фожиаси қаердан келиб чиққанлиги тўғрисида маълумот берди.	Орол денгизининг қуриб қолгани ҳақида, унинг сабаблари тўғрисида маълумотга эга бўлишди.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, доска, компьютер слайдлар.
Ўқитиш усуллари	Ахборотли маъруза, блиц-сўров, кластер техникаси.
Ўқитиш шакллари	Жамоада ишлаш.
Ўқитиш шароити	Техник воситалар билан таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки саволлар, тест саволлари.


Антропоген омиллар-инсонларни табиатга таъсири, уларнинг турлари билан таништириш ҳақида тушунча бериш мавзусининг технологик харитаси

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич Мавзуга кириш (10 мин)	1.1. Ўқув машғулотини мавзуси, режаси ва ўқув фаолияти натижаларини тушунтиради. 1.2. Балиқ скелети усулида мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни фаоллаштиради.(1-илова). 1.3. Мавзуни жонлаштириш учун саволлар	Тинглайдилар. Тинглайдилар.

	беради. (2-илова).	Саволларга жавоб берадилар.
2-босқич. Асосий бўлим (60 мин)	2.1. Маъруза ўқийди (3-илова). 2.2. Маърузани мустаҳкамлаш учун саволлар беради. (4-илова)	Тинглайдилар ва ёзадилар. Тинглайдилар ва жавоб берадилар.
3-босқич. Якунловчи (10 мин)	3.1. Машғулоти бўйича якунловчи хулосалар киради. 3.2. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради. (5-илова) 3.3. Кейинги мавзу бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради. (6-илова).	Саволлар берадилар. Тинглайдилар ва ёзадилар. Ёзадилар.

1-илова

Балиқ скелети усули



2- илова

Мавзунини жонлаштириш учун блиц сўров саволлари

9. Ўзбекистондаги нодавлат ташкилот “Экосан” қандай ишлар олиб боради?
10. Ҳалқаро табиатни муҳофаза қилиш қуни қачон эълон қилинган?
11. “Қизил китоб”ни роли ва аҳамияти.
12. Орол фожияси қайдан келиб чиққан?
13. Тожикистондаги Алюминий заводи атроф мухитга қандай таъсир қилади.

3- илова

Маъруза

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги вақтда табиатни муҳофаза қилишга оид 300 га яқин турли шартнома ва конвенциялар тузилган. Уларнинг орасида 1963 йили Москвада

тузилган атмосфера, сув ости ва космик фазодаги ядро синовларини таъқиқлаш ҳақидаги шартнома алоҳида аҳамиятга эга. 1973 йилда баъзи ноёб ҳайвон ва ўсимлик турлари билан савдо қилишни чегаралаш тўғрисидаги халқаро конвенция тузилади. 1972 йили Стокгольмда табиатни муҳофаза қилиш бўйича ўтказилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) нинг 1-Умумжаҳон конгрессида 5 июн» Халқаро табиатни муҳофаза қилиш»жун деб эълон қилинган. 1973 йили Лондонда денгизларни нефть ва бошқа захарли химикатлар билан ифлосланишининг олдини олиш юзасидан янги халқаро конвенция қабул қилинди. 1978 йили Ашхободда ўтган Халқаро Табиатни Муҳофаза қилиш Иттифоқи (ХТМИ) бош ассамблеясида Жаҳон табиатни муҳофаза қилиш стратегияси қабул қилинади. 1982 йил БМТда Табиатни муҳофаза қилишнинг муҳим ҳужжатлари, асосий принциплари ва кўп йилга мўлжалланган асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Атроф муҳитга инсон таъсирининг кучайиши 1985 йили Венада озон қатламини муҳофаза қилиш конвенцияси, 1992 йили Рио-де Жанейрода биологик хилма-хилликни сақлаш, Нью-Йоркда иқлим ўзгариши бўйича ва бошқа конвенцияларнинг тузилишига сабаб бўлди. БМТнинг 1973 йилда тузилган атроф муҳит бўйича махсус дастури ЮНЕП халқаро ҳамкорликни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. 1948 йили тузилган нодавлат ташкилот - Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи юздан ортиқ давлатларнинг 300 га яқин миллий, давлат ва жамоат ташкилотларини бирлаштиради. 1966 йилдан халқаро «Ўзгариш китоби» ни эълон қилиб келади, биологик ресурсларни ҳимоя қилишда унинг аҳамияти каттадир.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йили 2 мартда БМТ га тенг ҳуқуқли аъзо бўлиши табиат муҳофазаси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик учун ҳам кенг йўл очиб берди. 1992 йили Рио-де-Жанейрода ўтказилган БМТнинг Иккинчи Умумжаҳон табиатни муҳофаза қилиш конгрессида Ўзбекистон Республикаси биринчи бор мустақил давлат сифатида қатнашди. Ўзбекистондаги нодавлат ташкилот - Экология ва саломатлик фонди «Экосан» экологик муаммоларни ҳал қилишда халқаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш ишига ўз хиссасини қўшмоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари келувига биноан табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик 1992 йил тузилган Давлатлараро Экологик Иттифок(ДЭИ) орқали амалга оширилади.

Республиканинг 447,4 минг квадрат километрдан ортиқ бўлган умумий майдоннинг 10 фоизинигина экин майдонлари ташкил этади. Ўзбекистон эгаллаб турган майдоннинг анча қисмини Ёорақум, Ўзгаришқум, Устюрт каби чўл ва ярим чўл ерлар ташкил этади. Айниқса, қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланилаётган ер майдонларига тўғри келадиган демографик юк ҳозирнинг ўзидаёқ ўта салмоқли. Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонда аҳолининг зичлиги айниқса юқори бўлиб, 1 квадрат километрга 51,4 киши тўғри келади, бу рақам Ўзгаришқонда -6,1; Ўзгаришқонда -22,7; Туркменистонда – 9,4ни ташкил этади. Республикада ҳар бир одамга 0,17 гектар экин майдони тўғри келса, Ўзгаришқонда -1,54; Ўзгаришқонда- 0,26; Украинада -0,59; Россияда -0,67 гектар экин майдони тўғри келади.

Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг 1993 йил март ойида Ўзгаришқонда бўлиб ўтган учрашувида Орол денгизи танглигини ҳал этиш юзасидан биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида Битим имзоланди. Орол денгизи муаммолари бўйича Давлатлараро Кенгаш ва унинг ишчи органи – Ижроия қўмитаси, шунингдек, Оролни қутқариш



Халқаро фонди ташкил этилди. Марказий Осиё республикалари давлат бошлиқларининг 1994 йил январида Нукус шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи учрашувида Орол денгизи ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилаш юзасидан яқин уч-беш йилга мўлжалланган, минтақани ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ ҳаракатлар дастури тасдиқланди. 1994 йил март ойида Тошҳовузда бўлган учинчи учрашувда Давлатлараро Кенгашнинг ушбу дастурнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

1997 йил февралда Марказий Осиёдаги беш давлат бошлиқларининг БМТ, Жаҳон банки ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида Алматида бўлиб ўтган учрашувида Орол муаммосини ҳал этиш бўйича ташкилий тузилмаларни такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Оролни қутқариш Халқаро фондининг анча ишчан таркиби ва унинг негизида ҳаракатчан Ижроия кўмитаси тузилди.

Тожикистоннинг Турсунзода шаҳридаги алюминий заводи экологик муҳитга жиддий зарар етказмоқда. Бунинг натижасида чегарадош туманларда қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ривож ва боғдорчилик ҳосили кескин пасаймоқда. Сариосиё туманида эса, умуман, пилла етиштириб бўлмай қолди. Ўзбекистон раҳбарияти ушбу муаммога жиддий эътибор қаратиб келяпти. Бизнинг саъй-ҳаракатимиз туфайли Тожикистон ҳукумати билан алюминий заводидаги экологик ҳолатини яхшилаш юзасидан ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди, махсус дастур ишлаб чиқилди. Тожикистондаги сиёсий , ижтимоий-иқтисодий вазият яқин вақтгача беқарор бўлиб келгани мазкур муаммони тезроқ ҳал этиш имконини бермади. (Сурхондарё вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувда 1999 йил 25 декабрда сўзлаган нутқидан. И.А.Каримов). Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон, Чирчиқ ва Бекобод шаҳарларида ҳавонинг ифлосланиш даражаси меъёрдан юқори. Асосий сув артерияларидан бири бўлган Чирчиқ дарёси корхона ва хонадонларнинг чиқинди сувлари билан ифлосланиб бораётгани ғоят ачинарлидир.

«Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқади» деган ҳикмат барчамизга маълум. Жиззах вилоятда жами 300 минг гектар суғориладиган ер майдони бор. Вилоятнинг қишлоқ эҳтиёжлари учун ажратиладиган сув миқдори етишмаслигини биламиз , сувга эҳтиёж баъзи туманларда бор-йўғи 70-80% қопланади. Жиззахдаги 3-магистраль канали реконструкция қилиниб, унинг сув ўтказиш имконияти оширилди ва сув омборига қўшимча сув тўплаш мумкин бўлди. Ҳукумат қарори билан Арнасойда сув омбори қурилиши олиб борилди. Бу йирик сув ҳавзаси умумий майдони 40 минг гектарни ташкил этадиган Мирзачўл, Арнасой ва Фориш туманларидаги экин майдонларини суғоришни яхшилашга хизмат қилади. Вилоят қишлоқ хўжалигида сув таъминотини яхшилаш учун 213 километрлик Зомин сув омбори ҳавзаси ва Зарафшон дарёсидан тортиладиган сув ўтказиш тармоғи қурилишини жадаллаштириш даркор. Амалга ошириладиган чора – тадбирлар билан бир қаторда вилоятда сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, сув сарфини назорат қилиш масаласига жиддий эътибор бериш лозим.

Биз иқтисодиёт ривожини табиий ресурсларни сақлаш, соғлом экологик муҳитни таъминлаш муаммолари билан объектив равишда боғлиқ эканини ҳисобга олмаган тақдирда бу ҳол қандай фожиа олиб бериши мумкинлигини унутмаслигимиз лозим. («Халқ сўзи», 2002 йил 12 январь И.А.Каримов).

Юртимизга ташриф буюрган, бизнинг ресурсларни тежаш масаласига бўлган бепарво муносабатимизни кўрган чет эллик ҳамкорларимизнинг «Сизлар дунёнинг энг бой мамлакатада яшар экансиз» деганига кўп бор гувоҳ бўламиз. Уларнинг бу борада нечоғли ҳақ эканликларини инкор этиб бўлмайди. Чунки улар ҳатто энг бой ва гуллаб – яшнаётган мамлакатлар ҳам ресурсларга нисбатан бу қадар масъулиятсизликка , бу қадар исрофгарчиликка йўл қўймаслигини яхши билишади.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил бошида бўлиб ўтган мажлисида кўтарилган ўта муҳим, ҳал қилувчи бир масала бўйича қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди. Энг муҳим моддий ва табиий ресурсларни асраб-авайлаш , улардан тежамкорлик билан , оқилона фойдаланиш ҳақида бормоқда. Агар ўтган йили сувдан фойдаланиш коэффиценти 0,66ни ташкил этган бўлса, сув

ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида бу йил ушбу кўрсаткич 0,81 гача ўсди. Бир гектар ерга сарфланадиган сув ҳажми республика бўйича ўрта ҳисобда 200 куб метрга қисқарди.

Сув билан таъминлашни яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш туфайли жорий йилда ўтган йилга нисбатан 463 минг гектар кўп ер суғорилган эди. Хўжаликлараро каналлар, коллекторлар ва бошқа суғориш тармоқларини тозалаш ва таъмирлаш юзасидан белгиланган топшириқлар ҳам умуман бажарилмоқда.

Мамлакатимизда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича 2010 йилгача мўлжалланган Концепция-дастур ишлаб чиқилган. Айни вақтда, текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, жойларда сув ва ердан фойдаланиш борасида амалдаги қонунчиликни бузиш, шартнома мажбуриятларини бажармаслик, табиий ресурсларга хўжасизлик ва исрофгарчилик билан муносабатда бўлиш, улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, электр қуввати тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб олиш, лимит интизомини бузиш каби нохуш ҳоллар ҳамон учраб турибди. («Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак» Ўзбекистон, 2002, 397-426-б.).

4-илова

Маърузани мустахкамлаш учун саволлар

1. БМТнинг 1-Умумжаҳон конгресси қачон ўтказилган?
2. Табиатни муҳофаза қилишнинг асосий принциплари нимадан иборат?
3. Қачон Ўзбекистон Республикасининг БМТга тенг ҳуқуқли аъзо бўлган?
4. Экология ва саломатлик фонди қачон ташкил этилган?
5. Марказий Осиёдаги беш давлат бошлиқларининг БМТга, Жаҳон банки ва Ҳалқаро ташкилотлар вакиллари учрашуви қачон ўтди?
6. Мамлакатимизда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича мўлжалланган Концепция-дастури қачон қабул қилинган?

5-илова

Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхати

55. И.А. Каримов «Экология ва ҳаёт» (Президент И. Каримов асарларида экология масалаларининг ёритилиши), экология таълим йуналишлари учун қўлланма, Тошкент, «Ўзбекистон» 2002 йил, 124 бет.
56. Г.Ю. Валуконис «Основы экологии», т. 1. Общая экология. Книга 1. Ташкент, Мехнат. 2001, 328 бет
57. Л.И. Цветкова, «Экология» Учебник для технических вузов. Санк-Петербург. Изд. Химиздат, 2001, 552 бет
58. М.Ш. Мирзаева «Охрана окружающей среды», Методическое указание, Т. ТАСИ, 2000, 35 ст.
59. А. Эргашев «Умумий экология», Т. «Ўзбекистон», 2003 йил, 462 бет.
60. В. П. Журавлев «Охрана окружающей среды в строительстве», учебник М.Издат. АСВ, 1995, 328 с.
61. А.А.Рафиков, Қ.Н.Абирқулов, А.Н.Хожиматов «Экология» ўқув қўлланма. Тошкент 2004й. 143 бет. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти.
62. И.Ҳамдамов, З.Бобомуродов «Экология» ўқув қўлланма, Тошкент 2009й, 176бет.
63. Ҳ.В.Салимов «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш бўйича атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати», Тошкент 2009й, 335бет. (Руско-узбекский толковый словарь по экологии, охране окружающей среды и природопользованию).
64. Л.В.Передельский, О.Е.Приходченко, «Строительная экология», учебное пособие, Ростов на Дону, Феникс, 2003, 320 стр.
65. В.Д.Валова (Копылова) «Основы экологии» учебное пособие, 2005г, 264стр.

66. А.С.Степановских, «Общая экология», Москва, 2002г, ЮНИТИ.
 67. В.Н.Киселев, «Основы экологии», Минск, высшая школа, 2002 г, 383стр.
 68. К.Н.Абиркулов, А.Абдулкосимов, Ш.Хамдамов, «Ижтимоий экология» Тошкент 2004й, 111бет.
 15. D. Yormatova “Sanoat ekologiyasi” O`zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, Toshkent 2007 yil, 256 бет.

6-илова

Кейинги мавзу бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар

1. Атмосфера хавоси нима билан ифлосланади?
2. Атмосферанинг табиий ифлосланишига нималар киради?
3. Атмосферанинг сунъий ифлосланишига нималар киради?
4. “Парник эффекти” нима, унинг асосий компоненти?

3 - лаборатория иши	Тиндиргичларнинг технологик ва ҳисоб параметрларини аниқлаш
----------------------------	--

(лаборатория иши-2 соат)

1.1. Лаборатория ишини олиб бориш технологияси

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони: 12 та	
Ўқув машғулоти шакли	Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича лаборатория иш.	
Лаборатория иши режаси	1. Тажриба ўтказишдан мақсад. 2. Керакли жихозлар билан танишиш. 3. Лаборатория ишини иш тартиби билан танишиш. 4. Оқава сувларни механик тозаланиш усули билан танишиш. 5. Цилиндрда сувни тиндириш ва давомийлигини аниқлаш. 6. Оқава сувдаги заррачаларни чўктирилишини ҳисоблаш. 7. Заррачаларни гидравлик йириклигини ҳисоблаш. 8. Чўкмага тушган йирик заррачалар миқдорини уларнинг гидравлик йириклигига боғлиқлиги график орқали чизиш.	
Лаборатория ишининг мақсади: Тиндиргичларнинг технологик ва ҳисоб параметрларини аниқлаш		
Педагогик вазифалар:		Ўқув фаолиятининг натижалари:
Лаборатория ишида тажриба ўтказиш мақсади билан таништилади.		Талабалар лаборатория ишида тажриба ўтказиш мақсади билан танишадилар.
Лаборатория ишида ишлатиладиган керакли жихозлар билан таништилади.		Талабалар керакли жихозлар билан танишадилар.
Лаборатория иш тартиби билан таништилади.		Талабалар лаборатория иш тартиби билан танишадилар.
Лаборатория ишида оқава сувларни механик тозалаш усули билан таништилади.		Талабалар лаборатория ишида оқава сувларни механик тозалаш усули билан танишадилар.
Цилиндрда лойқа оқава сувни тиндириш давомийлигини кўрсатади.		Талабалар цилиндрда лойқа оқава сувни тиндириш давомийлигини билан танишадилар.
Лаборатория иши бажарилгандан сўнг оқава сувдаги заррачаларнинг чўкишини ҳисоблашини кўрсатади.		Талабалар оқава сувдаги заррачаларнинг чўктирилишини ҳисоблашини ўрганадилар.

Формула орқали оқава сувдаги заррачаларни гидравлик йириклигини хисобланишини ўргатади.	Талабалар Формула орқали оқава сувдаги заррачаларни гидравлик йириклигини хисобланишни ўрганадилар.
Чўкмага тушган йирик заррачалар миқдорини уларнинг гидравлик йириклигига боғлиқлиги графигини чизишини кўрсатади.	Талабалар график чизишини ўрганадилар.
Ўқитиш усуллари	Лаборатория иши, сўров.
Ўқитиш шакллари	Жамоада ишлаш.
Ўқитиш шароити	Техник воситалар билан таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки саволлар, лаборатория ишини топшириш.

Тиндиргичларнинг технологик ва ҳисоб параметрларини аниқлаш ҳақида тушунча бериш мавзусининг технологик харитаси

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич Лаборатория ишига кириш (10 мин)	1.1.Лаборатория ишини мавзуси, режаси ва ўқув фаолияти натижаси тушунтирилади. 1.2. Лаборатория ишида оқава сувдаги заррачаларнинг чўкмага тушган миқдорини хисоблаш формуласи. (1-илова). 1.3.Цилиндр орқали сувни тиндириш давомийлигини аниқлаш жадвали. (2-илова). 1.4.Лаборатория ишини жонлаштириш учун сўров саволлари.(3-илова)	Тинглайдилар. Тинглайдилар. Саволларга жавоб берадилар.
2-босқич. Асосий бўлим (60 мин)	2.1. Лаборатория ишини мазмуни (4-илова). 2.2.. Чўкмани гидравлик йириклигини хисоблаш формуласи. (5-илова). 2.3. Чўкмага тушган йирик заррачалар миқдорини уларнинг гидравлик йириклигига боғлиқлиги графигини чизиш. (6-илова) 2.4. Натижаларни жадвалга тўлдириш. (7-илова)	Тинглайдилар ва ёзадилар. Тинглайдилар ва жавоб берадилар.
3-босқич. Яқунловчи (10 мин)	3.1.Лаборатория иши бўйича яқунловчи хулосалар киради. 3.2.Лаборатория иши бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради. (8-илова) 3.3.Кейинги лаборатория ишига тайёрланиб келиши учун саволлар беради. (9-илова).	Саволлар берадилар. Тинглайдилар ва ёзадилар. Ёзадилар.

**Лаборатория ишида оқава сувдаги заррачаларнинг чўкмага тушган миқдорини
хисоблаш формуласи**

$$U_i = \frac{h}{t_i}, \text{ мм/с} \quad \text{Маълум } h \text{ баландликдаги сув қатламидан } t, \text{ с вақт ичида чўкмага}$$

тушадиган заррачаларнинг гидравлик йириклиги қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_i = \frac{L_{ав} - L_{к}}{L_{ав}} \cdot 100, \text{ Бу ерда, } L_{ав} - \text{сувнинг тозалашдан аввалги лойқалиги, мг/л } L_{к}$$

- сувнинг тиндирилгандан кейинги лойқалиги, мг/л

Цилиндрларда сувни тиндириш давомийлиги

№	Тиндириш вақти, t	Цилиндр-1 h	Цилиндр-2 h	Цилиндр-3 h	Цилиндр-4 h	Цилиндр-5 h
1	10 мин					
2	15 мин					
3	20 мин					
4	25 мин					
5	30 мин					

Лаборатория ишини жонлаштириш учун сўров саволлари

1. Оқава сувни механик тозалаш усули.
2. Лойқалик нима?
3. Тиниқлик нима?
4. Гидравлик йириклик нима?

Лаборатория ишини мазмуни

Тажриба ўтказишдан мақсад: тиндиргичларнинг геометрик ўлчамларини ҳисоблаш ҳамда чўкиш жараёнини моделлаштириш усуллари билан танишиш.

Механик тозалов оқава, шу жумладан бурғи (буровые) сувларини ҳам, тозалашнинг асосий ва кенг тарқалган усулларида бири ҳисобланади. Ушбу усул қум тутгич, тиндиргич, гидроциклон, центрифуга, флотатор, фильтрларда қўлланилади. Оқава сувларни механик тозаловчи қурилмаларни танлаш ва параметрларини ҳисоблашда тиндириш кинетики хизмат қилади. Эгри чизиқ хусусиятларига қараб оқава сув суспензиясини ажратиш жараёни, уларда нефть маҳсулотларининг мавжудлиги, тозалов усулларида қай бирини қўллаш имконияти борлиги ва уни мақсадга мувофиқлиги ҳақида фикр юритиш мумкин. Оғирлик кучи таъсирида аралашмаларни чўкиш тезлигини аниқлаш асосида қум тутгичларнинг геометрик ўлчамларини ҳисоблаш мумкин. Қум тутгич – ифлосланган оқава сувлар тиндириладиган махсус қурилма бўлиб, унда эримайдиган йирик заррачалар чўкма ҳолида ажратиб олинади.

Маълум h баландликдаги сув қатламидан t , с вақт ичида чўкмага тушадиган заррачаларнинг гидравлик йириклиги қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$U_i = \frac{h}{t_i}, \text{ мм/с} \quad (1)$$

Заррачаларнинг чўкиши (Р) чўкма оғирлигини тиндирилаётган сувдаги заррачалар миқдорига нисбати бўлиб, у қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$P_i = \frac{L_{ав} - L_{к}}{L_{ав}} \cdot 100, \quad (2)$$

Бу ерда, $L_{ав}$ - сувнинг тозалашдан аввалги лойқалиги, мг/л
 $L_{к}$ - сувнинг тиндирилгандан кейинги лойқалиги, мг/л

Чўкмага тушган заррачалар миқдорини уларнинг гидравлик йириклигига боғлиқлигига қараб заррачаларни чўктиришни ҳисоблаш мумкин:

$$P = f(U_i) = f(h / t) \quad (3)$$

Чўктириш жараёнини моделлаштириш усуллари текширилаётган сув устунининг турлича баландликларида заррачаларни чўкмага тушиш эгри чизигига асосланган.

Қум тутгичга доир ҳисоб-китоблар қуйидагича тартибда олиб борилади.

Қум тутгичнинг умумий майдони F , m^2 , сув сарфининг маълум кўрсаткичларида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$F_{ум} = \frac{\alpha * Q}{3,6 * U_i}, \quad m^2 \quad (4)$$

Бу ерда, α - сув оқими тезлигининг вертикал таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент.

$$\alpha = \frac{1}{1 - K / 30} \quad (5) \quad K = \frac{V_{ўрта}}{U_0}$$

Бу ерда, $V_{ўрта}$ - тиндиргичдаги ўртача горизонтал тезлик
 Тиндиргич эни В қуйидаги формула билан аниқланади:

$$B = \frac{Q}{3,6 * V_{ўрта} * H * N}, \quad m \quad (6)$$

бу ерда, N – тиндиргичдаги бўлинмалар сони
 Н – тиндиргич чуқурлиги

Тиндиргич узунлиги қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$L = \frac{F}{B * N}, \quad m \quad (7)$$

Керакли жиҳозлар:

- лойқа сув ҳосил қилиш учун лойқалатгич,
- шиша цилиндрлар,
- 100 мл ли конуссимон колбалар,
- фотоэлектродориметр ёки Снеллен асбоби,
- секундомер.

Иш тартиби:

Бешта цилиндрга оқава сув намуналаридан солиб, тиндириб қўйилади. Цилиндрлардаги сувни тиндириш вақти қуйидаги жадвалда берилган (вақт ўқитувчи кўрсатмасига биноан ўзгартирилиши мумкин).

1- жадвал

Цилиндрларда сувни тиндириш давомийлиги.

№	Тиндириш вақти, t	Цилиндр-1 h	Цилиндр-2 h	Цилиндр-3 h	Цилиндр-4 h	Цилиндр-5 h
1	10 мин					
2	15 мин					
3	20 мин					
4	25 мин					
5	30 мин					

Ҳар бир цилиндр учун ажратилган вақт ўтгач, тинган сув устуни баландлиги h ўлчанади, пипетка билан сувни юқориги қатламидан олиб, Снеллен асбобга солинади ва тиниқлиги T , см, аниқланади. Сўнгра ҳисоблаш жадвалидан фойдаланиб, тиниқлик асосида сувнинг лойқалик даражаси L , мг/л, топилади.

Ҳар бир цилиндрдаги оқава сув учун 2-формула асосида заррачаларнинг чўктирилиши P ва 1-формула ёрдамида заррачаларнинг гидравлик йириклиги U_i ҳисобланади. Ҳисоблаш натижалари 2-жадвалга киритилади.

2-жадвал

Цилиндр №	Тиндириш вақти, t, мин	Тиндириш-дан аввалги сувнинг лойқалиги, L бош мг/л	Тинган сув устуни баландлиги, h , мм	Тиниқлик, T , см	Тиндирил-гандан кейинги сувнинг лойқалиги, $L_{чўк}$, мг/л	Заррачаларнинг чўктирилиши, P , %	Гидравлик йириклик, U_i , мм/с
1	10-30						
2	10-30						
3	10-30						
4	10-30						
5	10-30						

2-жадвалдаги маълумотларга асосланиб, заррачаларнинг чўкмага тушиш эгри чизиғи $P_i=f(U_0)$ чизилади ва унинг асосида керакли тиндириш эффекти P га мос бўлган заррачаларнинг гидравлик йириклиги U_0 топилади.


Заррачаларни чўктирилишини керакли фоизи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_{хис} = \frac{L_{бош} - L_{чўк}}{L_{бош}} \cdot 100\%, \quad (8)$$

Бу ерда, $L_{чўк}$ - тиндирилган сувнинг рухсат этилган лойқалиги, 8-12 мг/л деб қабул қилинган.

2-расм

Чўкмага тушган йирик заррачалар миқдорини уларнинг гидравлик йириклигига боғлиқлиги графиги



Сўнгра 4-7 формулалардан фойдаланиб тажрибавий маълумотлар асосида горизонтал тиндиргичларга тегишли ҳисоб-китоблар ўтказилади.

Тиндиргичда сувни тиндириш вақти қуйидаги нисбат орқали топилади:

$$T_0 = H \cdot \frac{t}{h} = \frac{H}{U_0} \quad (9)$$

Бу ерда, H – тиндириш зонаси баландлиги, м
 t – U га мос бўлган тиндириш вақти, с

5- илова

Чўкмага тушган йирик заррачалар миқдорини уларнинг гидравлик йириклигига боғлиқлиги графигини чизиш

$$P = f(U_i) = f(h / t) \quad (3)$$

Чўктириш жараёнини моделлаштириш усуллари текширилаётган сув устунининг турлича баландликларида заррачаларни чўкмага тушиш эгри чизигига асосланган.

Қум тутгичга доир ҳисоб-китоблар қуйидагича тартибда олиб борилади.


Қум тутгичнинг умумий майдони F , м², сув сарфининг маълум кўрсаткичларида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$F_{\text{ум}} = \frac{\alpha * Q}{3,6 * U_i}, \text{ м}^2 \quad (4)$$

Бу ерда, α - сув оқими тезлигининг вертикал таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент.

6-илова

Чўкмага тушган йирик заррачалар миқдорини уларнинг гидравлик йириклигига боғлиқлиги графиги



Сўнгра 4-7 формулалардан фойдаланиб тажрибавий маълумотлар асосида горизонтал тиндиргичларга тегишли ҳисоб-китоблар ўтказилади.

Натижаларни жадвалга тўлдириш

Цилиндр №	Тиндириш вақти, t, мин	Тиндириш-дан аввалги сувнинг лойқалиги, Л бош мг/л	Тинган сув устуни баландлиги, h, мм	Тиниқлик, T, см	Тиндирил-гандан кейинги сувнинг лойқалиги, Лчўк, мг/л	Заррача-ларнинг чўктири-лиши, P, %	Гидравлик йириклик, U _i , мм/с
1	10-30						
2	10-30						
3	10-30						
4	10-30						
5	10-30						

Лаборатория ишлари бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхати

1. М.Ш. Мирзаева «Охрана окружающей среды», Методическое указание, Т. ТАСИ, 2000, 35 ст.
2. Мирзаева М.Ш. “Атроф мухитни муҳофаза этиш” , курси бўйича амалий машғулотлар учун вазифалар ва услубий кўрсатмалар. Т. 1994 й. ТАҚИ.
3. Мирзаева М. Ш. “Атроф мухитни муҳофаза қилиш”, Услубий қўлланма, Тошкент. 1995й. ТАҚИ.
4. Мирзаева М.Ш. “Экология”, Методическое указание, Т, 2003 г. Узбекское агенство.
5. Мирзаева М.Ш. “Экология”, услубий қўлланма, 2006й. ТАҚИ.
6. Мирзаева.М.Ш. “Экология” фанидан лаборатория ишлари учун услубий қўлланма, Т. 2008й., ТАҚИ. Ўзбекистон нашриёти.

Кейинги лаборатория ишига тайёрланиб келиши учун саволлар беради

1. Коагулянт (флокулянт) нима?
2. Оқава сувни тозалашда кўпинча қайси модда ишлатилади?
3. ФЭК асбоби нимани аниқлайди?
4. Лаборатория ишида секундомер нимага ишлатилади?

4-Маъруза	Атмосфера ва унинг аҳамияти
------------------	------------------------------------

(маъруза-2 соат)

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони: 50та
Ўқув машғулоти шакли	Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича амалий иш.
Маъруза режаси	18. Атмосферани таркиби, тузилиши ва моҳияти.

	19. Атмосфера хавосини ифлослантирувчи асосий манбаълари. 20. Атмосфера хавосини ифлослантирувчи зарарли моддалар. 21. Атмосферада ҳосил бўладиган “Парник эффекти”. 22. Атмосферада “Кислотали ёмғирни” ҳосил бўлиши. 23. Атмосферада “фотохимёвий смог” қандай ҳосил бўлади. 24. Озон қатламини емирилиши.
Ўқув машғулотининг мақсади: Атмосфера ва унинг аҳамияти билан таништириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i>
Маърузада атмосфера хавосига қандай газлар киради, уларни таркиби ва моҳиятини тушунтириб беради.	Маърузада атмосфера хавосига қандай газлар киради, уларни тузилиши ва моҳияти билан танишадилар.
Атмосфера хавосини асосий ифлослантирувчи манбаълар тўғрисида маълумот беради.	Талабалар атмосфера хавосини асосий ифлослантирувчи манбаълар тўғрисида маълумотга эга бўладилар.
Атмосфера хавосини асосий ифлослантирувчи зарарли газларни таркиби билан таништиради.	Талабалар атмосфера хавосини асосий ифлослантирувчи зарарли моддаларни таркибини билиб оладилар.
Атмосферада “Парник эффекти” қандай ҳосил бўлишини ва унинг асосий компоненти нималигини тушунтириб беради.	Талабалар атмосферада “Парник эффекти” қандай ҳосил бўлиши ва унинг асосий компоненти ис газлигини билиб оладилар.
Атмосферада “Кислотали ёмғир” қандай ҳосил бўлишини тушунтиради.	Талабалар атмосферада “Кислотали ёмғирнинг” қандай ҳосил бўлишини тушуниб ва ёзиб олишади.
Атмосферада “Фотохимёвий смог” қандай ҳосил бўлишини тушунтириб беради.	“Фотохимёвий смог” атмосферада қандай ҳосил бўлишини тушунтириб бера оладилар.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, доска, компьютер слайдлар.
Ўқитиш усуллари	Ахборотли маъруза, блиц-сўров, кластер техникаси.
Ўқитиш шакллари	Жамоада ишлаш.
Ўқитиш шароити	Техник воситалар билан таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки саволлар, тест саволлари.


Антропоген омиллар-инсонларни табиатга таъсири, уларнинг турлари билан таништириш ҳақида тушунча бериш мавзусининг технологик харитаси

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич Мавзуга кириш (10 мин)	1.1. Ўқув машғулотини мавзуси, режаси ва ўқув фаолияти натижаларини тушунтиради. 1.2. Биосферанинг тузилиши.(1-илова). 1.3. “Кислотали ёмғир”ни ҳосил бўлиши (2-илова).	Тинглайдилар. Тинглайдилар.

	1.4. Атмосферада “Озон қатлам”ининг емирилиш жараёни. (3-илова). 1.5. Мавзуни жонлаштириш учун блиц сўров саволлари. (4-илова).	Саволларга жавоб берадилар.
2-босқич. Асосий бўлим (60 мин)	2.1. Маъруза ўқийди (5-илова). 2.2. Маърузани мустаҳкамлаш учун саволлар беради. (6-илова) 2.3. Оғзаки сўров саволлари. (7-илова).	Тинглайдилар ва ёзадилар. Тинглайдилар ва жавоб берадилар.
3-босқич. Яқунловчи (10 мин)	3.1. Машғулот бўйича яқунловчи хулосалар киради. 3.2. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради. (8-илова) 3.3. Кейинги мавзу бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради. (9-илова).	Саволлар берадилар. Тинглайдилар ва ёзадилар. ёзадилар.




1-илова

Биосферанинг тузилиши






2- илова

Атмосферада “Кислотали ёмғир”нинг ҳосил бўлиши



Атмосферада “Озон қатлам”нинг емирилиш жараёни



4- илова

Мавзунини жонлаштириш учун блиц сўров саволлари

1. Атмосферанинг тузилиши.
2. Турли ифлосланиш манбаларининг атмосфера таркибига таъсири.
3. Атмосферани химоялаш усуллари.
4. «Парник эффекти»ни ҳосил бўлиши.
5. “Кислотали ёмғир”ларни ҳосил бўлиши.
6. “Фотохимёвий смог”ни ҳосил бўлиши.

5- илова

Маъруза



Атмосфера биосфера учун ташқи қобик вазифасини ўтади. Унинг массаси Ер массасига нисбатан жуда кичик. Аммо биосферадаги табиий жараёнларда атмосферанинг аҳамияти каттадир. Атмосфера ер сиртидаги умумий иссиқлик режимини белгилайди, уни зарарли самовий ва ультрабинафша нурлардан химоя қилади. **Атмосфера таркибига кирувчи кислород (20,9 %), карбонат ангидрид газини (0,03%) ва азот (78,1%) турли экосистемалар учун жуда аҳамиятлидир. Улар биокимёвий айланишларда иштирок этади.**

Кислород ердаги кўплаб тирик организмлар учун ҳаётбахш манба. У жонотларга нафас олиш учун зарур. Кислород атмосфера таркибида ҳамеша мавжуд бўлмаган. У фотосинтезловчи организмлар (автотрофлар) нинг ҳаётини фаолияти натижасида пайдо бўлган. Ультрабинафша нурлар таъсирида кислород озонга айланган.

Озон газини тўпланган сари аста-секин атмосферанинг юқори қисмида озон қатлами юзага келган. Атмосферадаги озон экран қатлами сифатида ер сиртини тирик организмлар учун хатарли бўлган ультрабинафша радиациясидан сақлайди. Биосферада кислород айланиши ниҳоятда мураккабдир. У билан кўплаб органик ва ноорганик моддалар реакцияга киришади. Масалан, кислороднинг водород билан бирикиши натижасида сув ҳосил бўлади.

Карбонат ангидрид газини органик моддалар ҳосил бўлишидаги фотосинтез жараёнида иштирок этади. Айнан ана шу жараёнлар туфайли биосферада углерод айланиши юз беради. Кислород каби углерод ҳам тупроқ, ўсимлик, ҳайвон таркибига киради ва табиатда модда айланишининг хилма-хил механизмида қатнашади.

Азот-тенгсиз биоген элементдир. У оксиллар ва нуклеин кислоталар таркибига киради. Атмосфера - азот манбаидир. Амма тирик организмларнинг асосий қисми ундан бевосита фойдалана олмайди. У дастлаб кимёвий бирикмаларга айланиши керак. Азот айланиши углерод айланиши билан узвий боғлиқ. Азот айланиши углерод айланишига нисбатан мураккаб бўлишига қарамай, одатда, у жуда тез кечади.

Ҳавонинг бошқа таркибий қисмлари биокимёвий айланишларда иштирок этмайди. Аммо атмосферада ифлослантирувчи модданинг кўп миқдорда бўлиши бу цикларнинг жиддий бузилишига олиб келиши мумкин.

6-илова

Саволлар

1. Атмосфера қандай қатламлардан иборат?
2. Атмосфера ҳавоси қандай таркибий қисмлардан иборат?
3. Атмосферанинг асосий хоссалари ва вазифалари.
4. «Парник эффекти» нима?
5. Атмосферанининг табиий ифлосланишига нималар киради?
6. Атмосферанининг сунъий ифлосланишига нималар киради?
7. Моддаларнинг рухсат этилган миқдори нима?
8. Кислотали ёмғирларнинг ҳосил бўлиши ва уларни атроф-муҳитга таъсири.
9. Фотокимёвий туман нима?

7- илова

Оғзаки сўровлар учун саволлар

1. «Экология» атамасининг мазмуни – «экология» сўзи ойкос – уй, яшаш жойи, маскан ва логос – фан деган маънони билдиради.
2. «Экология» фани нимани ўрганади – «экология» тирик жонзотларнинг яшаш шароити ва уларнинг ўзлари тўрган муҳит билан ўзаро мураккаб муносабатлари ва шу асосда туғилган қонуниятларни ўрганади.
3. «Экология» фани неча бўлимдан иборат – умумий экология асосан тўртта бўлимга бўлиб ўрганилади: аутоэкология, популяция экологияси, синэкология, биосфера ҳақидаги таълимот.
4. Экологик омилларга нималар киради – абиотик, биотик, антропоик омиллар.
5. Абиотик омилларга нималар киради – жонсиз табиат омиллари: қуёш нури, ҳарорат, ҳаво намлиги, рельеф, тупроқ, шамол, радиация.
6. Биотик омилларга нималар киради – жонли табиат омиллари, ўсимлик, ҳайвонлар, микроорганизмлар.
7. Антропоик омиллар нима – инсонни табиатга таъсири.
8. Экологик тизим нима – тирик организмларнинг ўзаро таъсирлашиши натижасида экологик тизим ҳосил бўлади.
9. Биогеоценоз нима – табиий ландшафтнинг таркибий қисми ва биосферанинг элементар биохудудий бирлигидир.
10. Ноосфера – ақл тафаккури.

2. Антропоген омиллар

1. Экологик ифлосланиш – инсон фаолияти ёки қандайдир улкан табиий ҳодиса туфайли муҳитда янги компонентларнинг пайдо бўлиши.
2. Атроф муҳитни ифлосланиш турлари – табиий ва антропоген ифлосланишлар.
3. Рухсат этиладиган меъёрий чегара – вақт бирлигида манба томонидан чиқариладиган ифлослантирувчи модда массаси тушунилади.

4 Рухсат этиладиган концентрация меъёрий чегараси – муҳитдаги зарарли модданинг шундай миқдори тушуниладики, у муҳит билан инсон доимий ёки вақтинчалик алоқада бўлганида ҳам унинг саломатлиги ёки авлодларига салбий таъсир кўрсатмайди.

5. Атроф муҳит мониторинги – мониторинг махсус хизмати зарарли моддаларнинг РМЧ, РКЧ белгиланган нормативларига қай даражада амал қилинаётганлиги бўйича назорат олиб боради.

3. Ташкилий ва ҳуқуқий асослар

1. Қачон «Халқаро табиатни муҳофаза қилиш» кунини деб эълон қилинган – 5 июнь (1972 йил).

2. Қачон «Атроф муҳит бўйича махсус дастури ЮНЕП» тузилган – 1973 йил.

3. Қачондан «Қизил китоб»ни эълон қилиб келади – 1996 йилдан.

4. «Экосан» фонди қандай ташкилот – «Экология ва саломатлик» фонди нодавлат ташкилоти.

5. Қачон Ўзбекистонда «Табиатни муҳофаза қилиш» қонуни қабул қилинди – 1992 йил.

8-илова

Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхати

69. И.А. Каримов «Экология ва ҳаёт» (Президент И. Каримов асарларида экология масалаларининг ёритилиши), экология таълим йуналишлари учун қўлланма, Тошкент, «Ўзбекистон» 2002 йил, 124 бет.
70. Г.Ю. Валуконис «Основы экологии», т. 1. Общая экология. Книга 1. Ташкент, Мехнат. 2001, 328 бет
71. Л.И. Цветкова, «Экология» Учебник для технических вузов. Санк-Петербург. Изд. Химиздат, 2001, 552 бет
72. М.Ш. Мирзаева «Охрана окружающей среды», Методическое указание, Т. ТАСИ, 2000, 35 ст.
73. А. Эргашев «Умумий экология», Т. «Ўзбекистон», 2003 йил, 462 бет.
74. В. П. Журавлев «Охрана окружающей среды в строительстве», учебник М.Издат. АСВ, 1995, 328 с.
75. А.А.Рафиков, Қ.Н.Абиркулов, А.Н.Хожиматов “Экология” ўқув қўлланма. Тошкент 2004й. 143 бет. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти.
76. И.Ҳамдамов, З.Бобомуродов “Экология” ўқув қўлланма, Тошкент 2009й, 176бет.
77. Ҳ.В.Салимов “Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш бўйича атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати”, Тошкент 2009й, 335бет. (Руско-узбекский толковый словарь по экологии, охране окружающей среды и природопользованию).
78. Л.В.Передельский, О.Е.Приходченко, «Строительная экология», учебное пособие, Ростов на Дону, Феникс, 2003, 320 стр.
79. В.Д.Валова (Копылова) «Основы экологии» учебное пособие, 2005г, 264стр.
80. А.С.Степановских, «Общая экология», Москва, 2002г, ЮНИТИ.
81. В.Н.Киселев, «Основы экологии», Минск, высшая школа, 2002 г, 383стр.
82. К.Н.Абиркулов, А.Абдулкосимов, Ш.Ҳамдамов, «Ижтимоий экология» Тошкент 2004й, 111бет.
83. D. Yormatova “Sanoat ekologiyasi” O`zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, Toshkent 2007 yil, 256 бет. Ъ

Кейинги мавзу бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар

1. Гидросфера нима?
2. Оқава сув нима?
3. Сувлар нима билан ифлосланади?
4. Орол денгизининг суви қаерга кетган?

4 - лаборатория иши	Оқава сувларни тозалашда коагулянт (флокулянт) миқдори ва оқаванинг оптимал кўрсаткичларини аниқлаш
----------------------------	--

(лаборатория иши-2 соат)

1.1. Лаборатория ишини олиб бориш технологияси

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони: 12 та	
Ўқув машғулоти шакли	Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича лаборатория иш.	
Лаборатория иши режаси	1. Тажриба ўтказишдан мақсад. 2. Керакли ашёлар билан танишиш. 3. Лаборатория ишини иш тартиби билан танишиш. 4. Тажрибавий коагуляциялаш ва оқава сувлардаги заррачаларни чўктириш кинетикасини аниқлаш усуллари билан танишиш. 5. Оқава сувга коагулянт қўшилмаган жараёнини чўкиш давомийлигини аниқлаш. 6. Оқава сувга коагулянт қўшилган жараёнини чўкиш давомийлигини аниқлаш. 7. Олинган кўрсаткичларни жадвалга ёзиш. 8. Оқава сувдаги чўкмани хажмини вақтга боғлиқлигини графигини чизиш.	
Лаборатория ишининг мақсади: Оқава сувларни тозалашда коагулянт (флокулянт) миқдори ва оқаванинг оптимал кўрсаткичларини аниқлаш		
Педагогик вазифалар:		Ўқув фаолиятининг натижалари:
Лаборатория ишида тажриба ўтказишдан мақсадини тушунтиради.		Талабалар лаборатория ишида тажриба ўтказишдан мақсадини тушуниб оладилар.
Керакли ашёлар билан таништиради.		Талабалар керакли ашёлар билан танишадилар.
Лаборатория иш тартиби билан таништиради.		Талабалар лаборатория иш тартиби билан танишадилар.
Лаборатория ишида ишлатиладиган коагулянтни ва уни оқава сувдаги заррачаларни чўктиришда таъсирини тушунтиради.		Талабалар коагулянтни оқава сувга таъсирини ва қандай қилиб унинг таркибидаги заррачаларни чўктирилишини кўрадилар ва тушуниб оладилар.
Оқава сувга коагулянт қўшилмаган пайтда чўкиш жараёнини тушунтиради.		Талабалар оқава сувга коагулянт қўшилмаган пайтда чўкишини кўриб билиб олишадилар.
Оқава сувга коагулянт қўшилганда чўкмани тезроқ тушуниб кўрсатади ва		Талабалар сувга коагулянт қўшилганда чўкмани тезроқ тушуниб кўрадилар ва

тушунтириб беради.	тушуниб оладилар.
Олинган натижаларни жадвалга ёзилишини тушунтириб беради.	Тажриба натижаларини жадвалга ёзиб тўлдиришади ва тушуниб олишадилар.
Оқава сувнинг тинган қисми хажмини вақтга қараб графигини чизишини тушунтиради.	Талабалар оқава сувнинг тинган қисми хажмини вақтга қараб графигини чизишини тушуниб олишади.
Ўқитиш усуллари	Лаборатория иши, сўров.
Ўқитиш шакллари	Жамоада ишлаш.
Ўқитиш шароити	Техник воситалар билан таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки саволлар, лаборатория ишини топшириш.

Оқава сувларни тозалашда коагулянт (флокулянт) миқдори ва оқаванинг оптимал кўрсаткичларини аниқлаш ҳақида тушунча бериш мавзусининг технологик харитаси

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич Лаборатория ишига кириш (10 мин)	1.1.Лаборатория ишини мавзуси, режаси ва ўқув фаолияти натижаси тушунтирилади. 1.2.Лаборатория ишини жонлаштириш учун сўров саволлари.(1-илова)	Тинглайдилар. Тинглайдилар. Саволларга жавоб берадилар.
2-босқич. Асосий бўлим (60 мин)	2.1. Лаборатория ишини мазмуни (2-илова). 2.2. Олинган кўрсаткичлар жадвалга ёзилади. (3-илова). 2.3. Сувнинг тинган қисми хажмини ўзгариши вақтга боғлиқлиги графиги. (4-илова) 2.4. ФЭЖ асбобида тозаланган сувни тиниқлик даражасини аниқлаш (5-илова)	Тинглайдилар ва ёзадилар. Тинглайдилар ва жавоб берадилар.
3-босқич. Яқунловчи (10 мин)	3.1.Лаборатория иши бўйича яқунловчи хулосалар киради. 3.2.Лаборатория иши бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради. (6-илова)	Саволлар берадилар. Тинглайдилар ва ёзадилар.

1-илова

Лаборатория ишини жонлаштириш учун сўров саволлари.

1. Гидравлик йириклик нима?
2. Коагулянт (флокулянт) нимага ишлатилади?
3. Аччиқ тош оқава сувни тозалашда қайси вазифани бажаради?
4. Полимерлар оқава сувни тозалашда қандай вазифани бажаради?

Лаборатория ишини мазмуни

Мақсад: Коагулянт (флокулянт)нинг оптимал миқдори ҳамда оқаванинг оптимал кўрсаткичларини аниқлашда қўлланиладиган тажрибавий коагуляциялаш усули билан таништириш.

Коагуляциялаш – оқава сувларни алюминий ёки темирнинг реагент-тузлари билан кимевий ишлов бериш жараёнидир. Бу жараён натижасида сувдаги майда дисперс ва коллоид аралашмалар, зарралар $\text{Al}(\text{OH})_3$ ёки $\text{Fe}(\text{OH})_3$ (алюминий ёки темир гидрооксидлари) билан бирикиб, чўкма ҳосил қилади.

Коагуляцион тозалаш самараси ва тезлигига кимевий реакция рўй бераётган муҳит рН катта таъсир кўрсатади. Алюминий ёки темир тузларининг барқарор гидролизланган шакллари ҳосил бўлиши рН кўрсаткичларига қўп жихатдан боғлиқ.

Майда дисперс ва коллоид заррачалар тутувчи оқава сувларни тозалашда сувга флокулянтлар-сувда эрувчан, ионлаштирувчи функционал гуруҳлари бўлган полимер бирикмаларини қўшиш чўкма ҳосил бўлишини тезлаштиради. Флокулянтлар сифатида крахмал, желатин, целлюлоза эфирлари, табиий полимерлардан фойдаланиш мумкин. Ҳозирда флокулянтлар сифатида синтетик сувда эрувчи полимерлар: полиакриламид (ПАА).

Флокулянт таъсирида оқава сувлардаги заррачаларнинг чўкмага тушиши, яъни флокуляция жараёни заррачаларнинг адсорбцияланган флокулянт макромолекулалари билан бирикишидан иборат.

Оптимал коагуляция (флокуляция) шарт-шароитларини тажрибада аниқлашда қуйидагиларга аҳамият бериш керак:

- коагуляцияни ўтказишда рНнинг оптимал кўрсаткичларини аниқлаш;
- коагулянт (флокулянт)нинг оптимал миқдорини аниқлаш.

Олинган натижаларни баҳолаш мезонлари сифатида тозаланаётган сув сифатини аналитик текшириш усуллари, чўкмаларни ҳосил бўлиши, миқдори ва чўкма турларини визуал кузатиш, шунингдек, сувнинг тиниқлашаётганини кузатиш натижалари инобатга олинади.

Лаборатория ишини ўтказиш тартиби.

Тажрибавий коагуляциялаш ва оқава сувлардаги заррачаларни чўктириш кинетикасини аниқлаш усуллари билан танишиш.

- Керакли ашўлар:
- оқава сувлар намуналари;
 - коагулянтлар эритмалари $\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3$,
 - алюминий аччик тоши, FeCl_3 , $\text{Ca}(\text{OH})_2$
 - флокулянтлар эритмалари,
 - ўлчов цилиндрлари,
 - пипеткалар,
 - Снеллен асбоби,
 - ФЭК

Ўлчов цилиндрларига маълум миқдордаги (ўқитувчи кўрсатмасига биноан) оқава сувлар қуйилади ва маълум вақт оралиғида (60, 120, 180 сек ва х.к.) цилиндрдаги сувнинг тинган қисми ва ҳосил бўлган чўкма хажми ўлчаб борилади. Сўнгра цилиндрларга коагулянт ёки флокулянт эритмаси 10:1 нисбатда қўшилади ва яхшилаб аралаштиргач, тиндириб қўйилади маълум вақт ўтгач, сувнинг тинган қисми хажми ўлчанади. Агар чўкмалар интенсив равишда ҳосил бўлаётган бўлса, ўлчовларни қисқа вақт оралиғида ўтказиш лозим.

Олинган кўрсаткичлар жадвалга ёзилади:

Флокулянт (коагулянт) қўшилмаган оқава сув	Флокулянт (коагулянт) қўшилган оқава сув
--	--

Вакт, t , сек.	Сувнинг тинган қисми хажмини ўзгариши, V , мл	Вакт, t , сек	Сувнинг тинган қисми хажмини ўзгариши, V , мл

$V=f(t)$ боғлиқлик графиги тузилади (эгри чизиклар битта расмда чизилади).

3-илова


Олинган кўрсаткичлар жадвалга ёзилади

Флокулянт (коагулянт) қўшилмаган оқава сув		Флокулянт (коагулянт) қўшилган оқава сув	
Вакт, t , сек.	Сувнинг тинган қисми хажмини ўзгариши, V , мл	Вакт, t , сек	Сувнинг тинган қисми хажмини ўзгариши, V , мл

$V=f(t)$ боғлиқлик графиги тузилади (эгри чизиклар битта расмда чизилади).

4-илова

Сувнинг тинган қисми хажмини ўзгариши вақтга боғлиқлиги графиги



5-илова

ФЭК асбобида тозаланган суви тиниқлик даражасини аниқлаш

6-илова

Лаборатория иши бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради

1. М.Ш. Мирзаева «Охрана окружающей среды», Методическое указание, Т. ТАСИ, 2000, 35 ст.
2. Мирзаева М.Ш. «Атроф мухитни муҳофаза этиш», курси бўйича амалий машғулотлар учун вазифалар ва услубий кўрсатмалар. Т. 1994 й. ТАҚИ.

3. Мирзаева М. Ш. “Атроф мухитни муҳофаза қилиш”, Услубий қўлланма, Тошкент. 1995й. ТАҚИ.
4. Мирзаева М.Ш. “Экология”, Методическое указание, Т, 2003 г. Узбекское агенство.
5. Мирзаева М.Ш. “Экология”, услубий қўлланма, 2006й. ТАҚИ.
6. Мирзаева.М.Ш. “Экология” фанидан лаборатория ишлари учун услубий қўлланма, Т. 2008й., ТАҚИ. Ўзбекистон нашриёти.

5-Маъруза	Сув - ҳаёт манбаи
------------------	--------------------------

(маъруза-2 соат)

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони: 50та		
Ўқув машғулоти шакли	Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича амалий иш		
Маъруза режаси	1. Табиатдаги сув захиралари 2. Оқава сувларни ифлосланиши 3. Оқава сувларни ифлослантирувчи моддалар 4. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини сув билан таъминловчи асосий манбалар 5. Сув ресурсларини тежаш мақсадида обориладиган тадбирлар 6. Денгиз ва океанлар экологик муаммоси 7. Орол денгизи муаммоси		
Ўқув машғулотининг мақсади: Ўзбекистонда сув ресурсларини муаммоси билан таништириш.			
Педагогик вазифалар:		Ўқув фаолиятининг натижалари:	
Маърузада табиатда сув ресурсларининг захиралари билан таништиради.		Талабалар Ўзбекистонда табиатда сув захиралари билан танишади.	
Табиатда оқава сувлар нима билан ифлосланади тўғрисида маълумот беради.		Табиатда оқава сувлар ифлосланиш муаммолари билан танишади.	
Оқава сувларнинг асосий ифлослантирувчи моддалар билан таништиради.		Талабалар сувларни асосий ифлослантирувчи моддалар билан танишади.	
Оқава сувларни тозалаш усуллари билан таништиради.		Оқава сувларни тозалаш усуллари билан танишади.	
Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини асосий сув билан таъминловчи манбалари билан таништиради		Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини асосий сув билан таъминловчи манбалар билан танишади.	
Сув ресурсларини тежаш мақсадида обориладиган тадбирлар тўғрисида маълумот беради.		Сув ресурсларини тежаш мақсадида обориладиган тадбирлар билан танишади.	
Денгиз ва океан экологик муаммосини тушунириб беради.		Денгиз ва океан экологик муаммоси тўғрисида маълумотга эга бўлишади.	
Орол денгизи муаммоси тўғрисида маълумот беради.		Орол денгизи муаммоси бўйича маълумотга эга бўлишади.	
Ўқитиш воситалари		Маъруза матни, доска, компьютер слайдлар.	


Ўқитиш усуллари	Ахборотли маъруза, блиц-сўров, клайстер техникаси.
Ўқитиш шакллари	Жамоада ишлаш.
Ўқитиш шароити	Техник воситалар билан таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки саволлар, тест саволлари.

Сув – ҳаёт манбаи тўғрисида тушунча бериш мавзусининг технологик харитаси

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич Мавзуга кириш (10 мин)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, режаси ва ўқув фаолияти натижаларини тушунтиради. 1.2. Оқава сувларни тозалаш усуллари, Клайстер усули. (1-илова). 1.3. Мавзунини жонлаштириш учун блиц сўров саволлари. (2-илова).	Тинглайдилар. Тинглайдилар. Саволларга жавоб берадилар.
2-босқич. Асосий бўлим (60 мин)	2.1. Маъруза ўқийди (3-илова). 2.2. Маърузани мустаҳкамлаш учун саволлар беради. (4-илова)	Тинглайдилар ва ёзадилар. Тинглайдилар ва жавоб берадилар.
3-босқич. Яқунловчи (10 мин)	3.1. Машғулот бўйича яқунловчи хулосалар киради. 3.2. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради. (5-илова) 3.3. Кейинги мавзу бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради. (6-илова).	Саволлар берадилар. Тинглайдилар ва ёзадилар. Ёзадилар.

1-илова

Клайстер усули



Блиц сўров саволлари

1. Ўзбекистонда сув хазираларига нималар киради.
2. Оқава сувлар нима билан ифлосланади.
3. Сувларни тежаш мақсадида қандай тадбирлар ўтказилади.
4. Орол денгизи муаммоси қаердан келиб чиққан.

СУВ - ҲАЁТ МАНБАИ

Сув қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришдаги деярли барча технологик жараёнларнинг зарурий таркибий қасми (компоненти) ҳисобланади. Мазкур соҳалардаги технологик жараёнларда сув жуда кўп ишлатилади. Чучук сувдан ҳаддан ортиқ кўп фойдаланилса, охир-оқибат у етишмай қолиши мумкин. Ҳозирги замон техникаси уни юз фоиз тозалашга қодир эмас. Сувни бутунлай тозалаш учун оқава сувлардан фойдаланишга тўғри келади. Бу эса сувни яна исроф қилиш демакдир.

Бизнинг Республикамизда ҳозирги вақтда ифлосланган оқава сувларни сув манбаларига оқизиш учдан бирга қисқартирилди. Сувни тежаб ишлатиш борасида назорат кучаймоқда. Далаларга режали асосда сув берилмоқда. Ташкилот ва хонадонларга сув ўлчагич асбоблар ўрнатилмоқда.

Ер юзидда сув энг кўп тарқалган модда бўлса-да, уларнинг 98% захирасини денгизларнинг шўр сувлари ташкил этади. Умумий чучук сувнинг атиги 0,1% фойдаланиш имкони бор, холос (қолган сувлар эса ер қутблари ва баланд-баланд тоғ чўққиларида музликлар ва қор тарзида мавжуддир). Сувдан тежамкорлик билан фойдалана олмаслик такомиллашмаган технологияга ҳам боғлиқ. Масалан, 1 т синтетик тола олишда 500 м³ оқава сув ҳосил бўлади. 1 т маҳсулот то тайёр бўлгунча сарфланадиган жами сув 15-20 минг м³ ни ташкил этади. Ҳозирги вақтда саноатнинг қатор тармоқларида ёпиқ сув алмашиниш схемаси ишлаб чиқилган ва қисман йўлга қўйилган. Бу сувни тозалашнинг маҳаллий усулидир. Бундай ҳоллар сув истеъмоли меъёрини анча пасайтириши ва айрим ҳолларда эса, сув хавзаларига умуман оқава сувини чиқармаслик имкониятини яратади.

Сув она сайёрамизда энг кўп тарқалган ноорганик моддадир. Сувсиз ерда ҳаёт йўқ. Сув – Ердаги асосий ҳаётий жараён ҳисобланмиш фотосинтезда ягона кислород манбаидир. У об-ҳаво ва иқлимнинг шаклланишида катта аҳамиятга эга.

Ердаги сувнинг катта қисми денгиз ва океанларда тўпланган. Ерда тарқалган бутун сувнинг атиги 2% чучук сув улушига тўғри келади. Чучук сувларнинг 85%ни қутб зоналаридаги музликлар ташкил этади. Чучук сувларни қайта тикланиши табиатда сув айланиши туфайли содир бўлади. Чучук сувлар дарёлар, кўллар, сув хавзалари, булоқлар, кудуқлар, кўлмақлар, ер ости манбаларида жойлашган. Ер шарининг кўпгина ҳудудларида дарёлар асосан электр манбаи ҳисобланади. Чучук сувлардан инсон турмушда, қишлоқ хўжалиги ва саноат эҳтиёжлари учун фойдаланади. Дарёлар алоқа йўли сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга.



Инсоннинг ҳаётий фаолияти оқибатида табиий сувлар ифлосланиб, уларнинг биосферик функцияси пасаймоқда. Сувнинг ифлосланиши бугунги кунда муҳим муаммо



ҳисобланади. Сув асосан нефт ва нефт маҳсулотлари, симоб, қўрғошин ва унинг бўлинмалари, рух, мис, хром, марганец, радиоактив элементлар, заҳарли химикатлар ва бошқалар билан ифлосланмоқда. Бугунги кунда дунёнинг турли нуқталарида чучук сувнинг етишмаслиги ҳоллари кузатилмоқда. Ҳозирги вақтда сайёрадаги шаҳар аҳолисидан 20% нинг ва қишлоқ аҳолисидан 75% нинг чучук сувга бўлган эҳтиёжни қаноатлантириш имконияти эмас.

Чучук сувларнинг ифлосланиши туфайли уларнинг заҳиралари ҳам камаймоқда. Айниқса заҳарли оқар сувлар хавфлидир. Уларнинг кўп қисми сув хавзаларига яна оқар сув тарзида

қайтмоқда.

Йирик сув тозалаш қурилмаларини қуриш, саноатда сувдан фойдаланишнинг ёпиқ циклини жорий этиш билан бир қаторда ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш орқали сувнинг беҳуда сарфланиши ва исроф бўлишига йўл қўймаслик лозим.

Чирчиқ ва Охангарон дарё сувлари ҳам ифлосланган. Бунга сабаб шуки, саноат, маиший-коммунал хўжалик корхоналари, даволаш, соғломлаштириш ҳамда дам олиш зоналаридан оқиб чикувчи чиқиндиларнинг, турли минерал ва органик ўғитларнинг ҳамда зараркунанда ҳашоратларга қарши курашда қўлланиладиган ўта заҳарли химикатларнинг сувга қўшилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу экологик вазиятнинг ёмонлашишига ва аҳоли орасида касалликнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Сув - бойлигимиз, унинг устидан кучли назорат ўрнатиш, умуман уни ифлосланишдан муҳофаза қилиш борасида кўп ишларни бажаришимиз лозим. Масалан: 1) корхоналарда олаётган сувлари билан бирга улардан чиқаётган ифлос сув миқдорини қараб ҳақ тўланишни амалга ошириш; 2) йирик шаҳарларда иккита сув қувурлари тизимига ўтиб, биридан сифатли ичимлик сув, иккинчисидан саноат ва бошқа эҳтиёжлар учун ишлатиладиган сув беришга ўтиш; 3) водопровод жўмрақларини бекорга очиб қўймаслик, уларнинг техник ҳолатини мунтазам назорат қилиб туриш каби қатор тадбирлар, сувларнинг ифлосланиши ҳамда ичимлик суви исроф бўлишининг олдини олишда катта ёрдам беради.

Сувни эъзозласак, тоза тутсак, келгуси авлодларга табиатимиз гўзалликларини кам-кўстсиз етказишга хизмат қилсак, ўз ҳаётимизнинг ҳам гўзал, обод ва форовон бўлишига кўмаклашган бўламиз.

Денгиз ва океанлар экологик муаммоси

Дунё денгизлари - биосферани меъёрлаштирувчи энг муҳим манбалардан биридир. Дунё денгизи ер шари сиртининг 363 млн км², яъни 71% ини ташкил этади. Денгиз ва дарёлардаги сувнинг умумий ҳажми 1362200 минг км³. Денгизнинг атмосфера билан ўзаро таъсири Ердаги об-ҳаво шароити ва иқлимнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Денгиз суви турли минерал моддаларга бой чучук сув олиш манбаи сифатида хизмат қилади. Дунё денгизи-жуда катта миқдордаги Ош тузи заҳираси; унда 180 мингта яқин организм турлари - кичик бактериядан тортиб, йирик китларгача паноҳ топган. Денгизда яшовчиларнинг биомассаси тадқиқотчиларнинг маълумотига кўра 60 миллиард т (қуруқликда яшовчиларнинг умумий биомассаси тахминан 10 миллиард т). Бугунги кунда

инсон озиқ-овқатидаги оқсилларнинг 10%га яқини денгизлардан олинади. Кўпгина мамлакат аҳолиси учун денгиз маҳсулотлари асосий таом ҳисобланади.

Инсониятнинг бу «гўша» си жаҳон «ахлатхона» сига айланиб бормоқда. Чунки уларга инсон фаолияти оқибатида тўпланадиган чиқиндилар ташланмоқда. Кимёвий синтез саноати пайдо бўлгунга қадар бу «табiiй ахлатхона» га нима ташланса, уларнинг барчаси биологик циклга қўшилиб, тарқаб кетарди. Бироқ инсон турли сунъий моддалар ишлаб чиққанидан бошлаб, денгиз табiiй муҳитининг бузилиши жараёни, ифлосланиши ва заҳарланиши тобора ортиб бормоқда.

Орол денгизи муаммоси

Ҳадимдан халқимиз орасида «Бир нарсани йўқотмай туриб, иккинчи нарсага эришиб бўлмайди», деган ҳикматли сўз юради. Собиқ тузум даврида, экин экиладиган майдонларни кенгайтириш мақсадида, чўлларни ўзлаштиришга тушдилар. Ёзлаштирилган чўл тупроқларининг оддий лалмикор тупроқларга нисбатан сувга бўлган эҳтиёжи бир неча баробар катта. Сувдан аёвсиз, ваҳшийларча фойдаланиш натижасида Орол денгизига қўйиладиган сувнинг миқдори камайди. 2000 йил Президентимиз И.А.Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотида бўлиб ўтган минг йиллик саммити 55 сессиясида Орол муаммосини яна илгари сурди ва бунда Оролнинг муаммога айлангани эътироф этилди.

1991-1962 йилларда Орол денгизининг сатҳи энг юқори нуқтада бўлиб, 53,4 метрни, сувнинг ҳажми 1064 куб километрни, сувнинг юзаси 66 минг квадрат километрни ва минераллашув даражаси бир литр сувда 10-11 граммни ташкил этган эди. Денгиз транспорти, балиқ ҳўжалиги, иқлим шароити жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлган. Унга Сирдарё ва Амударёдан ҳар йили деярли 56 куб километр сув келиб қуйилар эди.

1994 йилга келиб, Орол денгизидаги сувнинг сатҳи -32,5 метрга, сув ҳажми-400 куб километрдан камроққа, сув юзасининг майдони эса 32,5 минг квадрат километрга тушиб қолди, сувнинг таркибидаги туз икки баробар ортиди.

1997 йил февралда Марказий Осиёдаги беш давлат бошлиқларнинг БМТ, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида Алматада бўлиб ўтган учрашувида Орол муаммосини ҳал этиш бўйича ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди - Оролни кутқариш халқаро фондининг анча ишчан таркиби ва унинг негизида ҳаракатчан Ижроя қумитаси тузилди.

Экологик кулфатлар чегара билмаслигини назарда тутган ҳолда жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш лозим. Орол муаммосини ҳал этиш бўйича жуда кўп фикр мулоҳазалар айтилади, тадбирлар белгиланади. Бироқ самарали натижалар бўлмади. Аввал бизга жуда фойда берган денгиз, энди биздан мадад кутмоқда.

4 - илова

Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхати

1. И.А. Каримов «Экология ва ҳаёт» (Президент И. Каримов асарларида экология масалаларининг ёритилиши), экология таълим йуналишлари учун қўлланма, Тошкент, «Ўзбекистон» 2002 йил, 124 бет.
2. Г.Ю. Валуконис «Основы экологии», т. 1. Общая экология. Книга 1. Ташкент, Мехнат. 2001, 328 бет
3. Л.И. Цветкова, «Экология» Учебник для технических вузов. Санк-Петербург. Изд. Химиздат, 2001, 552 бет
4. М.Ш. Мирзаева «Охрана окружающей среды», Методическое указание, Т. ТАСИ, 2000, 35 ст.
5. А. Эргашев «Умумий экология», Т. «Ўзбекистон», 2003 йил, 462 бет.

6. В. П. Журавлев «Охрана окружающей среды в строительстве», учебник М.Издат. АСВ, 1995, 328 с.
7. А.А.Рафиков, Қ.Н.Абирқулов, А.Н.Хожиматов “Экология” ўқув қўлланма. Тошкент 2004й. 143 бет. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти.
8. И.Хамдамов, З.Бобомуродов “Экология” ўқув қўлланма, Тошкент 2009й, 176бет.
9. Ҳ.В.Салимов “Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш бўйича атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати”, Тошкент 2009й, 335бет. (Руско-узбекский толковый словарь по экологии, охране окружающей среды и природопользованию).
10. Л.В.Передельский, О.Е.Приходченко, «Строительная экология», учебное пособие, Ростов на Дону, Феникс, 2003, 320 стр.
11. В.Д.Валова (Копылова) «Основы экологии» учебное пособие, 2005г, 264стр.
12. А.С.Степановских, «Общая экология», Москва, 2002г, ЮНИТИ.
13. В.Н.Киселев, «Основы экологии», Минск, высшая школа, 2002 г, 383стр.
14. Қ.Н.Абирқулов, А.Абдулқосимов, Ш.Хамдамов, «Ижтимоий экология» Тошкент 2004й, 111бет.
15. D. Yormatova “Sanoat ekologiyasi” O`zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, Toshkent 2007 yil, 256 бет.

5 - илова

Саволлар:

1. Табиатда сув захиралари қандай тақсимланади?
2. Табиатда сув асосан нималар билан ифлосланади?
3. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини сув билан тامينлайдиган қайси дарёларни биласиз?
4. Сув ресурсларни тежаш мақсадида қандай тадбирлар оборилади?
5. Денгиз ва океанлар экологик муаммолари нимадан иборат?
6. Орол денгизи муаммоси қаердан келиб чиққан?

6-илова

Кейинги мавзу бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради

1. Тупроқ таркибига нималар киради.
2. Тупроқ нима билан ифлосланади.
3. Тупроқларнинг ифлосланиш манбалари.
4. Тупроқларнинг емирилиши.

6-Маъруза	Тупроқ ва унинг биосферадаги аҳамияти
------------------	--

(маъруза-2 соат)

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Ўқув соати: 2 соат</i>	Талабалар сони: 50та
<i>Ўқув машғулотли шакли</i>	Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича амалий иш.
<i>Маъруза режаси</i>	1. Тупроқларнинг табиатдаги ва жамият ҳаётидаги роли. 2. Тупроқни асосий компонентлари. 3. Тупроқнинг ҳосилдор қатлами. 4. Табиий шароитда тупроқда кетадиган жараёнлар. 5. Тупроқ ресурсларини синфларга бўлиниши. 6. Тупроқларнинг ифлосланиш манбаълари.

	7. Тупроқларни шамол ва сув таъсирида емирилиши. Ўзбекистон Республикасида «Ер тўғрисидаги» қонун.
Ўқув машғулотининг мақсади: Тупроқ ва унинг биосферадаги аҳамияти билан таништириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i>
Маърузада тупроқнинг табиатдаги ва жамият ҳаётидаги роли тўғрисида тушунтиради.	Талабалар тупроқларни табиатдаги ва жамият ҳаётидаги роли тўғрисидаги билимга эга бўлишади.
Тупроқнинг асосий компонентлари билан таништиради.	Талабалар тупроқнинг асосий компонентлари нимадан иборат эканлигини билиб олишади.
Маърузада тупроқнинг хосилдор қатлами нимадан ташкил топганлигини тушунтириб берилади.	Талабалар тупроқнинг хосилдор қатлами нимадан ташкил топганлиги ҳақида билиб олишади.
Табиий шароитда тупроқда кетадиган жараёнлар билан таништиради.	Талабалар табиий шароитда тупроқда кетадиган жараёнлар билан танишадилар.
Маърузада тупроқнинг ифлосланиш манбаълари билан таништирилади.	Талабалар тупроқнинг ифлосланиш манбаълари билан танишадилар.
Маърузачи тупроқларни шамол ва сув таъсирида емирилиш тўғрисида маълумот беради.	Талабалар тупроқларни шамол ва сув таъсирида емирилиш тўғрисида маълумотга эга бўлишади.
Маърузада Ўзбекистон Республикасида «Ер тўғрисидаги» қонун ҳақида тушунча берилади.	Талабалар Ўз.Республикаси «Ер тўғрисидаги» қонун ҳақидаги тушунчага эга бўлишади.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, доска, компьютер слайдлар.
Ўқитиш усуллари	Ахборотли маъруза, блиц-сўров, клайстер техникаси.
Ўқитиш шакллари	Жамоада ишлаш.
Ўқитиш шароити	Техник воситалар билан таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки саволлар, тест саволлари.

Тупроқ ва унинг биосферадаги аҳамияти тўғрисида тушунча бериш мавзусининг технологик харитаси

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич Мавзуга кириш (10 мин)	1.1. Ўқув машғулотини мавзуси, режаси ва ўқув фаолияти натижаларини тушунтиради. 1.2. Тупроқнинг асосий компонентларини таркиби (1-илова). 1.3. Тупроқнинг хосилдор қатламини таркиби (2-илова). 1.4. Тупроқларни шамол ва сув таъсирида емирилиши. (3-илова) 1.5. Мавзуни жонлаштириш учун блиц сўров. (4-илова)	Тинглайдилар. Тинглайдилар. Саволларга жавоб берадилар.

2-босқич. Асосий бўлим (60 мин)	2.1. Маъруза ўқийди (5-илова). 2.2. Маърузани мустаҳкамлаш учун саволлар беради. (6-илова)	Тинглайдилар ва ёзадилар. Тинглайдилар ва жавоб берадилар.
3-босқич. Яқунловчи (10 мин)	3.1. Машғулот бўйича яқунловчи хулосалар киради. 3.2. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради. (7-илова) 3.3. Кейинги мавзу бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради. (8-илова).	Саволлар берадилар. Тинглайдилар ва ёзадилар. Ёзадилар.

1-илова

Тупроқнинг асосий компонентларини таркиби

Тупроқда асосий компонентлар ўзаро таъсирлашади:

- минерал зарралар (қум, гил тупроқ), сув, ҳаво;
- детрит-қотиб қолган органик моддалар, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётий фаолияти қолдиқлари;
- детриттофаглардан тортиб, то детритларни гумусга айлантирувчи редуцентларгача бўлган тирик организмлар тўплами. Тупроқ гўё тирик организм.

2-илова

Тупроқнинг ҳосилдор қатламини таркиби

Тупроқ тузилишига кўра 3та асосий қатлам ажратилади;

1. Энг устки гумус (чиринди) ли қатлам;
2. Юқори қатламдан минерал ва органик бирикмалар тўпланадиган қатлам;
3. Тупроқ вужудга келадиган она жинси қатлами;

Тупроқнинг ҳар бир горизонти органик ва минерал бирикмалар аралашмасидан иборат.

3-илова

Тупроқни шамол ва сув таъсирида емирилиши (расм)



4-илова

Мавзунини жонлаштириш учун блиц сўров

1. Тупроқ нима билан ифлосланади.
2. Тупроқларда шамол ва сув таъсирида қандай жараён ўтади.

3. Тупроқни энг устки қатлам нима дейилади.
4. Тупроқ қандай ресурс ҳисобланади.

5-илова

Маъруза

Унумдорлик хусусиятига эга бўлган ер юзининг ғовак катлами тупроқ дейилади. Тупроқларнинг табиатдаги ва жамият ҳаётидаги роли бекиёсдир. Тупроқ организмлар учун ҳаёт муҳити, озуқа манбаи ҳисобланади. Тупроқ-куруқликнинг юғори қисми бўлиб, ўсимликлар, ҳайвонлар, микроорганизмлар ва иқлим таъсирида «она» тоғ жинсларидан ҳосил бўлган. У биосферанинг бошқа қисмлари билан узвий боғланган муҳим ва мураккаб таркибий қисмидир. Тупроқда куйидаги асосий компонентлар ўзаро таъсирлашади.:

- минерал зарралар (қум, гил тупроқ), сув, ҳаво;

- детрит -қотиб қолган органик моддалар, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётий фаолияти қолдиқлари;

- детритофаглардан тартиб, то детритларни гумусга айлантирувчи редуцентларгача бўлган тирик организмлар тўплами. Тупроқ гўё тирик организм. Унинг ичида турли мураккаб жараёнлар кечади. Тупроқни яхши ҳолатда тутиб туриш учун унинг барча ташкил этувчиларининг алмашилиш жараёнлари табиатини билиш зарур. Тупроқнинг сиртқи қатламларида турли ҳил организмларнинг кўплаб қолдиқлари мавжуд. Уларнинг чириши оқибатида гумус ҳосил бўлади. **Гумус миқдори эса тупроқнинг ҳосилдорлигини белгилаб беради.** Ёсимликлар тупроқдан зарурий минерал моддаларни олади. Ёсимликлар сўлиб, чириганидан сонг олинган элементлар яна тупроққа қайтади. Тупроқдаги организмлар барча органик қолдиқларни қайта ишлайди. Шундай қилиб, табиий шароитларда тупроқда модда алмашинуви доимий содир бўлиб туради. Сунъий агроценозларда бундай айланиш бузилади. Чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг каттагина қисмини йиғиштириб олинади ва улар ўз эҳтиёжлар учун фойдаланилади. Демак, маҳсулотнинг олинган ўша қисми тупроқдаги айланиш жараёнида қайта иштирок этмайди ва оқибатда унинг ҳосилдорлиги пасаяди. Сунъий агроценозлардаги тупроқнинг ҳосилдорлигини ошириш учун инсон унга органик ва минерал ўғитлар солади.

Нормал табиий шароитларда тупроқда кечадиган барча жараёнлар мувозанатда бўлади. Аммо бу мувозанатни кўпинча инсон аралашуви бузади. Унинг хўжалик фаолияти



ривожланиши натижасида тупроқ ифлосланади, унинг таркиби ўзгаради ва у ҳатто бутунлай ярқисиз бўлиб қолади.

Ёрмон ва ўтлоқзорларнинг йўқолиши, агротехника қоидаларига амал қилинмасдан ерни кетма-кет ҳайдаш тупроқ эрозияси юзага келишига, ҳосилдор қатламининг сув оқимлари туфайли ювилиб кетишига ёки шамолдан ишдан чиқишига сабаб бўлади.

